

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

e-mail: uzas@b2c.uz

2012-yil 5-oktabr • №40 (4179)

Ўрозбой АБДУРАХМОНОВ, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси

ПАРВОЗИ БАЛАНД ЮРТИМ

Хўроз қияқяриғи, от кишнаши билан уйғониб, булбул овози билан попушта қилинадиган ер борми, десангиз, бу — Қорақалпоғистон!

Асов тулпорни орқада қолдириб, дуторнинг торидек жуфт пўлат изда темир қарвон билан ёки қўбизнинг торидек раво тортилган йўллarda истиқбол сари интилган эл қани десангиз, у — Қорақалпоғистон!

Тўрт томонини Қорақум, Қизилқум, Устюрт ва Оролқум сиклиб турса ҳам ўртасида боғу бўстон яратаётган ким десангиз, улар — қорақалпоқлар!

Агар Тошкентнинг гавжум кўчасида сизни таниб қолиб, чорраҳани қиёлаб босиб келаётган ким десангиз, у — қорақалпоқ...

Бу халқнинг асрлар орасида адабиёт юрган тарихи қанчалар қадимий бўлмасин, ўзлари кўни кеча дунёга келгандек, қалби беғубор, кўнгли очик, ҳаққа дўст, ёлғонга ёв, ўта ишонувчан халқ. Ўтган асрнинг машҳур шоирларидан бири қорақалпоқларни "қовурғасининг орасидан қалби кўриниб турадиган халқ" деган эди...

Лекин ўтган асрдан қорақалпоқларга арзигулик мерос қолмади: завоқ топган та-

биат, қуриган Орол, вайрона саноат ва маънавий манкуртлик... Тўғри, очликдан ҳеч ким ўлмади, лекин тўғри юрган одам кам эди. Айниқса, адолат юзасидан халқ жабрдийда, ҳуқуқсиз ҳаёт кечирди. Ахир қирқ йил мобайнида (1924—1964) асосан овулларда яшайдиган халқнинг 80 фоизи спортсиз яшаганини кекса авлод яхши билади. Уларда қолхозчилик билети бўларди, лекин бу ҳужжат ўз ҳудудидан ташқарига ўтмасди ва улар қариганлик ёки ишга ярқислик нафақаларидан маҳрум эди. Маънавий камситилган халқнинг болалари

Ватан учун яшайлик!

халқ хўжалиги соҳаларига мутахассислар тайёрлайдиган аҳамиятли ўқишларга ўта олмади. Оммавий зўравонлик олис овуллардаги аҳолини доимий кўркувда яшашга мажбур этганди.

Шаҳарликларнинг аҳолига ҳам ҳавас қилиб бўлмасди. 30-йиллари Нукус пойтахт сифатида шакллана бошлаган йиллари қурилишда қаровул бўлиб ишлаган бир отахоннинг тақдирига қаранг. Отахоннинг бели қақшаб, аввал табиғга, кейин шифокорга борибди, иккаласининг ташхиси бир хил чиқиб, белига иситкич босишни буюрибди. Ҳозирги иситкич анқонинг уруғи эмасми, бечора чол нима қилишни билмай қолибди. Ишхонадагиларидан бири: "Шу ҳам муаммо бўптими, ана, пишиқ гиштлардан бирини оласан-да, печининг устига қўйиб қиздирасан, кейин сочиққа ўраб белинга босиб ётсан", дебди. Бечора оқ кўнгли чол битта пишиқ гиштни кечқурун олиб кетиб, эрталаб жойига келтириб қўйишга омиборхона мудиридан (у пайтлари пишиқ гишт омиборхоналарда сақланаркан) рухсат сўрабди, лекин у ижозат бермабди. Чол ишдан қайтаётиб битта гиштни латтага ўраб, олиб кетибди... Эртасига латтага қўйиб қиздирасан, чол бояқни гишт ўғирлаган деган айб билан етти йилга қаматиб юборибди. Баъзан, ўша йиллари тартиб бор, яхши замонлар эди деган гапни эшитиб қолсан. Тартиб бор бўлса бўлгандир, лекин инсонийлик, адолат қаерда эди?

Давоми иккинчи саҳифада.



«Theatre.UZ/2012» . Асар ЁКУБОВ (ЎЗА) олган сурат.

ХАЛҚАРО ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ

Art Week/ Style. Uz санъат ҳафталиги доирасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Theatre. Uz" халқаро театр фестивалининг очилиши Ўзбекистон Ёшлар театрида бўлиб ўтди.



Шу кунга фестивалнинг биринчи спектакли — Ёшлар театрининг "Алвон елканлар" (А. Грин) томошаси намойиш этилди. Мюзикл жанридаги ушбу томошани театрнинг ёш, умидли режиссёрларидан Комила Абдураҳмонова саҳнага қўйган. Замонавий технологиялар, шунингдек, саҳнавий ифода омиллари — маҳоратли декорация ва безаклардан унумли фойдаланган режиссёр қизиқарли, томошабоп асар сахналаштиришнинг урдуасидан чиққан. Энг муҳими спектакл томошабинини ўз мақсади, орауси сари интилишга чорлайди.

— Ушбу фестивалнинг ўтказилиши театр санъати ривожига йўлдош бўлишига ишонимимиз катта. "Style.UZ" ҳафталиги доирасида ташкил этилаётган халқаро анжуманлар, ижодий учрашувлар ва кўргазмалар ҳеч бир санъат ихломига дини бефарқ қолдираётгани йўқ. Санъат ҳафталигининг энг катта лойиҳаларидан бири "Олтин гепард" Тошкент халқаро кинофоруми ўзининг ҳал қилувчи палласига кирган.

Бир неча кун давомида пойтахтимиз кинотеатрларида танловдан ўрин олган ўтиздан ортиқ филмлар намойиш этилди. Томошабинлар тўлиқ метражли филмлар билан бирга қисқа метражли ҳамда анимацион филмларга баҳо бериш имконига эга бўлди. Эътиборли жиҳати, тадбир давомида мустақил намойишлар ҳам ташкил этилди.

хос ижодий мактаб бўлиб хизмат қилишига ишонимиз катта. Халқаро доирасида бундай фестивал турли театр мактабларига мансуб ижодкорларнинг ўзаро фикр алмашишлари ва театрлар ўз ижодий имкониятларини қиёсий таҳлил этишлари имконият яратиб беради. Фестивалнинг иккинчи кунги Ёшлар театрида режиссёр Наби Абдураҳмонов иштирокида маҳорат дарслари билан бошланди. Муҳимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри саҳнасида Бухоро вилоят мусиқали драма театрининг "Майсаранинг иши" (Х.Низий) спектакли намойиш этилди. Истеъдодли ёш режиссёр Абдор Ортиқов эски асарнинг янги саҳнавий талқинини топишга муваффақ бўлган. Унинг асосий ютуғи асарни анъанавий ва замонавий театр услуби уйғунлигида саҳнага қўйгани, шунингдек, асар гоёсини бугунги кун руҳияти билан боғлаб олганида

кўрилади. Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси "Танҳо юлдуз" (Н. Аббосхон) спектаклини тақдим этди. Тадбир доирасидаги "work-in-progress" (ривожланишдаги фаолият) лойиҳасидан ўрин олган илк намойишлар ҳам айнан шу кундан бошланди. Буюк Британия — Ўзбекистон — Тожикистон — Қирғизистон театр ижодкорларининг қўшма лойиҳаси — "Ипак толаси" саҳнавий намойиши кўпчиликка манзур бўлди. Турли дин, элат ва миллат вакилларининг тақдирини мисолида ягона эътиқод тушунаси асарнинг рамзий гоёси сифатида ифодаланган. Фоя ташаббускорларидан бири, халқаро ASSITEJ театр уюшмаси бош директори Пол Харманнинг фестивал ҳақидаги таассуротлари билан қизиқдик.

Давоми бешинчи саҳифада.

КИНО АНЖУМАН

Шу кунларда пойтахтимиз чинакам санъат байрами оғушига чўмган. "Style.UZ" ҳафталиги доирасида ташкил этилаётган халқаро анжуманлар, ижодий учрашувлар ва кўргазмалар ҳеч бир санъат ихломига дини бефарқ қолдираётгани йўқ. Санъат ҳафталигининг энг катта лойиҳаларидан бири "Олтин гепард" Тошкент халқаро кинофоруми ўзининг ҳал қилувчи палласига кирган.

Бир неча кун давомида пойтахтимиз кинотеатрларида танловдан ўрин олган ўтиздан ортиқ филмлар намойиш этилди. Томошабинлар тўлиқ метражли филмлар билан бирга қисқа метражли ҳамда анимацион филмларга баҳо бериш имконига эга бўлди. Эътиборли жиҳати, тадбир давомида мустақил намойишлар ҳам ташкил этилди.

Замонавий ўзбек киноси понорамаси доирасида юртимиздаги ёш режиссёрларнинг асарлари кўрсатилган бўлса, машҳур француз кино устаси Жан Тати ретроспектив лойиҳасида "Менинг тоғам", "Кўнглихўшлик вақти", "Микдор", "Томоша" каби картиналар тақдим этилди. Шунингдек, намойишлар чоғида филм муаллифлари билан ижодий мулоқот ҳам уюштирилди. Бу борада, айниқса, Ўзбекистон санъат ва маданияти институтида ўтган маҳорат соатларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айни пайтда танлов доирасидаги барча филмлар намойиши якунига етди. Бугун "Туркистон" санъат саройида бўлиб ўтказилган "Олтин гепард" халқаро кинофорумининг ёпилиш маросимида киноанжуман гоиллари ва совриндорлари аниқланди.

монлар сабоқ бериб келишмоқда. Ўзим ҳам Қарши давлат университети роман-герман филологияси факултети қошида иш бошлаган ана шундай мактабда таржима назарияси ва амалиёти, бадий таржима асослари, таржимонлик маҳорати йўналишларида амалий машғулотлар олиб бораман. Машғулотларда нафақат илмий адабиётлардан, балки интернет тармоғига мавжуд бўлган инглиз тилидаги йирик электрон изохли луғатлар, синонимлар ва антонимлар луғатлари, шеър таржимада қофия ясашда қўл келувчи инглизча тасқари луғатлардан фойдаланамиз. Мактабимизга энг иқтидорли, шеър, ҳикоя машқ қиладиган, инглиз, немис, француз тилларида бемалол сўзлаша оладиган талабаларни саралаб олганмиз. Уларнинг ҳар бирига биттадан кўп йиллик тажрибага эга мутахассис тилчи ва адабиётшунос бириктирилган. Ойда бир марта ўтказиладиган ҳисобот йиғилишлари, таржимонлар билан учрашувлар ўзининг амалий натижаларини бермоқда. Шунингдек, талабаларга грамматика, фонетика фанларидан ташқари, йиллик юклама-нинг асосий қисmini ташкил этувчи оғзаки ва ёзма нутқ амалиёти фани ўтиладики, унда

талабалар интерактив усуллар, турли видео дарслари ва лингвофон орқали ҳаҳон халқларининг урф-одатлари, маданияти, тарихи, сўзлашув услуби, этикет нормалари билан яқиндан танишадилар. Чунинчи, "Инглиз тилидаги адабиёт" фанининг ўзи 4 босқичда 4 курс давомида ўтилади. "Мамлакатшунослик" фанининг асосий мавзулари эса, инглиз тили

халқларнинг турмуш тарзи, маданияти билан яқиндан таништиришга мўлжалланган. "Таржима назарияси ва амалиёти", "Бадий таржима" каби танлов фанларимизнинг ўқув-услубий мажмуалари ҳам айнан ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилиш амалиётини кучайтиришга қаратилган. Талабалар веб камералари орқали Англия ва АКШдаги олий ўқув юртралида таҳсил олаётган тенгдошлари билан бажараётган ишларини социал тармокларда ўзаро муҳокама қилиб турадилар. Улар таржима қилган баъзи ҳикояларни ўқиган инглиз ёшлари ўзбек адабиётга ниҳоятда қизиқиб қолиши...

Давоми учинчи саҳифада.

Пойтахтимизда бир неча йилдан буён Art Week Style.uz. дастури доирасида фотобиеннале ўтказиб келинади. Кеча Тошкентдаги Ёшлар ижод саройида "ТошкентАле — 2012" фотобиенналаси ўз ишнини бошлади.

Тадбирда Озарбойжон, Беларусия, Исроил, Эрон, Ҳиндистон, Россия, Украина, Франция, Испания, Грузия, Италия, Германия, Миср, Қозоғистон, АКШ, Греция, Хитой, Латвия, Япония каби 35 мамлакатдан 200 га яқин ижодкор иштирок этмоқда. Фотокўргазмалар пойтахтимизнинг сўлим масканларида жойлашган Ўзбекистон

"ТОШКЕНТАЛЕ — 2012"

Тасвирий санъат галереяси, Бадий академия кўргазмалар зали, Тошкент Фото уйи, халқаро Карвонсарой ҳамда Самарқанддаги "Чорсу" галереясида бўлиб ўтади. Анжуманда турли жанр ва йўналишларда ижод қилувчи, бадий ифодавийликнинг янги саҳна шакллари топиш йўлида изланаётган фотосуратчилар қатнашадилар. Улар орасида Паоло Роверси (Франция), Найёки Огино, Койо Окада (Япония), Луиджи Спина (Италия), Франк Родель (Германия), Егор Абатуров, Виктор Ан (Ўзбекистон), Ирина Михайлова (Россия), Степан Рудик (Украина), Айтор Лара (Испания) каби ўнлаб таниқли ижодкорлар бор.

Турли мамлакатлардан келган фотосуратчилар, санъатшунослар, гуруҳ раҳбарлари ёшлар учун маҳорат дарслари ўтказадилар. Жумладан, Тасвирий санъат галереясида франциялик фоторассом Георгий Пинхасов, Тошкент Фото уйида япониялик Найёки Огино ва испаниялик Айтор Лара ёшларга маҳорат сирларидан сабоқ берадилар, шунингдек ижодий баҳс-мунозаралар бўлиб ўтади.

Фото уйида ўтаётган "Фото санъати: ўтмиш, бугунги кун, келажак" номли анжуман мутахассислар, ижодкорлар ва мухлисларни мазкур санъатнинг анъаналари ва тараққиёт йўллари билан таништиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Халқаро биеннале доирасида "Олам ичра мен: олам мен билан" мавзусида танлов ўтказиб режалаштирилган. Ҳайъат таркибига фото санъати билимдонлари киритилган. Анжуманнинг сўнгги кунида фотобиеннале гоиллари ва лауреатларини тақдирлаш маросими бўлади. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Бадий академия ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур халқаро анжуман республикамиз маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб қолади.

Ўз ахборотимиз.

Фотобиеннале

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёш ижодкорлар билан ишлаш, уларга зарур маслаҳат ва ижодий сабоқ беришга катта эътибор қаратилмоқда. Эндигина адабиётга кириб келаётган истеъдод эгалари ўз кўлёмаларини уюшма бадий кенгашларига тақдим этиш ва электрон сайтга жўнатиб фикр олишдан ташқари, шу ернинг ўзида ташкил этилган адабий тўғаракларда иштирок этиб маҳорат сирларини ҳам ўрганмоқдалар. "Онажоним — шеъринг" тўғаракнинг навбатдаги машғулоти Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов сабоқларига бағишланди.

— Оламнинг чексизлигини қандай тасаввур қилиш мумкин, — деди сеvimли шоиримиз ёшлар билан ижод ва маҳорат сирларини ўртоқ-

Ёзувчилар уюшмасида

лашар экан. — Эйнштейннинг олам чексизлиги ва чегараси ҳақидаги фалсафасини тасаввур қилиб, баландликни настликка, юмшоқликни қаттиқликка нисбатан қиёслаб борамиз ва бу тасаввурларнинг охирига ета оламизми? Инсон тафаккурини бешта ҳис-туйғу эгаллаб олганини биз биламиз, аммо ижодкор учун бу камлик қилади. Ижодкор, менинг назаримда, олтинчи туйғу нима эканлигини ҳам билиши, ҳеч бўлма-са англаб етиши лозим. Мен, авваламбор, ўзимни яхши китобхонман деб тасаввур қиламан, ижод эса бу — бошқа гап...

Уч хил китобхон бўлади. Биринчиси, китоб ўқийди, аммо ҳеч нарса ни тушунамайди, балки у ўз соҳаси бўйича кучли мутахассис бўлиши ҳам мумкин. Иккинчиси, китобни тушунади, лекин муносабатини айтмайди (у фикрини ўз манфаъатига хизмат қилдиришга ҳаракат қилади). Учинчиси, бу — асл китобхон. Мен сизларни учинчи китобхонга ўхшашларингизни истайман.

Чинакам ёзувчи, ижодкор бўламан деган инсон майда-чўйда фикрларга ҳуваллашиб қолмасдан ҳозирги даврни, Ватанимизда бўлаётган бунёдкорлик ишларини катта пафос билан тасвирлаши керак.

Устоз Абдулла Орипов ижодкор учун энг муҳим ва зарур бўлган омил китобхонлик эканлиги қайта-қайта таъкидлаб, ўқиганда ҳам вақтинг кетганига ачинмайдиган, инсонни яхшилик ва эзгуликка чорлайдиган асарларни мутолаа қилиш ҳақида гапириб ўтди. Ҳозирги адабий муҳит, ёш ижодкорларнинг ўсиб-улғайиши учун яратилаётган шарт-шароитлар, устоз ва шоғирдлик анъаналари ҳамда таржимонлик санъати ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиiddин Саййид, Икбол Мирзо Абдулла Орипов адабий мактаби, устоз шоирнинг ижод йўли ва турли йилларда чоп этилган китоблари, асарларининг адабиётимиз ривожига аҳамияти ақида сўзладилар. Устоз шоир ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб берди ва янги шеърларидан ўқиди. Ўз навбатида ёш шоирлар ҳам янги шеърларини устоз назаридан ўтказдилар.

Даврон РАЖАБ

ЁШЛАРНИ "БОЛА" ДЕСАК...

ёхуд таржимон бўлиб туғилмадиларми?

Сўнгги йилларда бевосита таржима амалиётида сезиларли натижалар кўзга ташланаётир. Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч", "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" асарларидаги кўрсатмалар, йўл-йўриқлар ўзбек адабиёти дурдоналарини бевосита жаҳон тилларида, дунё адабиёти намуналарини она тилимизга таржима қилдириб уларнинг қанот бўлаётир. Бу борада миллий адабиётимизни севиб қадрлайдиган, бадий ижодга ўқув бор ёш таржимонларга катта умид билдирилган, уларни қўллаб-қувватлаш, имкониятларини юзага чиқаришга ҳаракат қилинаётгани қувонарли ҳол.

Чунинчи, 2010 йили филология фанлари доктори Ш.Сирожиiddиннинг ташаббуси билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида олий таълим муассасаларида "Ёш таржимонлар мактаби"ни ташкил қилиш тўғрисида низоми ишлаб чиқилди. Тажриба тариқасида бошланган ҳаракат натижасида Самарқанд дав-

лат чет тиллари институти, Қарши давлат университети, Урганч давлат университети каби олий таълим даргоҳларида ҳам "Ёш таржимонлар мактаби"лари ташкил этилиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бугунги кунда мазкур мактабларнинг илк илму толиблари таржимашунос олимлар, таниқли таржи-

Бошланиши биринчи саҳифада.

Адолат деган ҳазратлари фақат ҳақиқий эркин замонда ҳукм суришини мустақиллик давридагина англаб етдик. Яқинда Устюрт сафаридан қайтдим. Кўчманчи сайёқларнинг дастлабки сурувлари кўзга ташланмоқда. Улар кузнинг охирида Урол тоғлари, Нўғой чўллари билан Қозоғистоннинг Бетпақдаласида ёзни яйловда ўтказиб, қишлоғга Устюртга келади. Улар апрел ойларидида кўпайғунча Устюртда яшайди, сўнгра май ойи ўрталаридан бошлаб ёзги яйловларига йўл олади. Устюрт сайёқларнинг туғруқонаси — демак, Ватани ҳисобланади. 2008 йилдан бошлаб Ўзбекистон Қизил китобига киритилган. Қўшни давлатларда режали ов қилиш масъуми жорий этилганига қарамадан, сайёқлар Ўзбекистонда қонун ҳимоясида.

Илгарилари Устюртга сафарга чиққанлар яқин қариндошлари билан видолашиб кетишарди. Бугун эса энг чекка Қорақалпоқ кўрғонига хоҳласангиз поездда, хоҳласангиз Самарқанднинг "Исузи" русумли автобусларида боришингиз мумкин. Йўл-йўлакай Элобод, Жаслик элатларида чой ичиб кетасиз. Устюртга эл келиши асосан мустақиллик йилларида оммавий тус олди...

...Сал аввал шведиялик дўстим Штефан Линдгренининг юртимга меҳмон бўлиб келганди. Мен унга Орол ва қорақалпоқ овуллари кўрсатдим. Оғайниларимизнинг тўйларига ҳам олиб бордим. Тўққиз кунлик сафари давомида олти тўй кўрган меҳмон қайтаётди: "Сизлар барибир бахтли халқ экансиз, денгизингиз қуриётган бўлса ҳам кунда тўй, мен тушунмадим", деганди.

"Оролим — дардим менинг" асаримни швед тилига таржима қилганидан сўнг у билан бир-биримизнинг ҳазилимизни кўтарадиган оғайни бўлиб қолганди. Ярим ҳазил, ярим чин маънода "Оғайни, қорақалпоқни европача меъёр билан ўлчамай, бу халқ ҳеч бир ўлчоғга сиғмайдиган ажойиб хусусиятларга эга. Хали бизнинг фазилатларимизнинг мингдан бирини ҳам кўрмадингиз", дегандим, у бошини чайқаб: "Бизда иш кунлари тўй-маърака ўтказилмайд.

Оддий бир деҳқон ёки балиқчининг тўйига минглаб одам йиғилгани ва тўй эгаси овулдаги 50-60 уйга дастурхон ёзиб, уларни бўғирсоқ билан нонга тўлдириб, шўрва билан ош тортгани, айниқса, бирининг қувончи мингга татигулик тўйлар бир умрга эсимда қолади. Яна қаранг, "қорақалпоқнинг неси бор, кулки деган мулки бор", дея ашула айтган бир ўрис қизининг овозини айтмайсизми? Йўқ, мен дунё кезиб бундай самимий халқни кўрмаганман..." деди. Халқимни мактаган дўстимни "Қоратов"га тўйгазиб кузатиб қўйгандим...

ПАРВОЗИ БАЛАНД ЮРТИМ

Асрлар бўйи қарақалпоқда ётган саҳро уйғонмоқда.

Айниқса, тамал тошини Президентимиз қўйиб берган Кўнғирот сода заводини кузатсангиз, кечаги балиқчи, деҳқон ёки чўпон авлодидан бугун кимёгар чиқиб, минг йиллаб бекор ётган Борса келмасинг тузидан сода чиқараётганидан ёқангизни ушлайсиз. Завод касабга уюшмаси раҳбарининг таъкидлашича, ишлаб чиқариш қувватини икки баробарига ошириш режалаштириётган экан. Яна завод ёнида оҳак, минерал кукун, силикат гишт, кир юши воситалари ишлаб чиқариш қўшма корхоналарини ишга тушириш мўлжалланмоқда. Демак, энди кимёгарлар шаҳарчаси Элободнинг аҳолиси 2-3 баробарга ортади. Сурғил газ-кимё мажмуаси қурилишга қозик қозилиши, Устюртдек ўз номини тақдорлашдан чўчидиган саҳрога мустақиллигимиз шарофати ила ҳаёт энаётгани қорақалпоқлар тақдирини янги саҳифа очди.

Кўнғиротда яна бир кадрдоним, асли фарғоналик Сайдваққос Исоқов яшайди. У — Устюрт қидирув-бурғилаш бошқармаси раҳбари, дилқаш, билимдон инсон. У асл геолог — ўзи йўқотмаган нарсасини қидиради ва топади. Оролнинг қури-

ган ултонидан чиқётган газ конденсати ва нефть маҳсулотларини ана шу Сайдваққоснинг чуқур бурғилувчи йиғитлари топиб берган. Улар асрлар бўйи уйқуда ётган саҳронинг уйғотмоқда...

Қорақалпоғистоннинг асосий бойлиги пахта билан шולי ҳисобланади. Лекин, истибод замонида уларни пешона терини тўкиб етиштирган деҳқон ўз ҳосилига эғалик эта олмасди. Тонналаб пахта берган меҳнаткаш пайтавага ёлчимасди. Хўжақўрсинга қурилган тўртта ип йиғирув фабрикасида бўз мато тўқиларди. Бугун эса Эллиқалъа жинси шимлари, Нукус пайпоқлари билан тиббиёт эҳтиёжига мўлжалланган докалар, Тўртқўл, Бериуний, Амударё тўқимачилик комбинатларида чиқарилаётган алвон матолар нафақат ички бозоримизни таъминламоқда, балки чет давлатлардан ҳам харидор топмоқда.

Қорақалпоғистонда мустақиллик йиллари илақ матолар тўқиб, терини қайта ишлаш, қизилмия экстракти, "Самсунг" чанг юттичларини ишлаб чиқариш, чиннисозлик ва яна ўнлаб янги соҳалар пайдо бўлдики, уларда минглаб янги иш ўринлари очилди. Айниқса, ёшларга кенг йўл очилди.

Улар учун бугун 6 та олий ўқув даргоҳи, 100 дан ортиқ академик лицей ва коллежлар, 740 та умум таълим мактаблари мавжуд. Тошкент санъат ва маданият институтининг Нукус филиалида қорақалпоқ театр санъати қалдирғочлари таҳсил олмақда.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва тиббиёт тармоқлари кескин ривож топди. Халқимизнинг кўнглини қувонтирадиган сўнги янгилик яқинда Нукус аэропортининг учиб-қўниш йўлига қайта қурилиб, А-320 самолётининг кўнгани бўлди. Яқинда Нукус аэропортига халқаро ўчиш мақоми берилиб, "Боинг", "Эйрбасс" самолётларининг қатнови йўлга қўйилди.

Демак, Қорақалпоғистоннинг парвози баланд бўлади.

Асов тулпорни орқада қолдириб, дуторнинг торидек жуфт пўлат изларда темир қарвон билан ёки қўбизнинг торидек равон тортилган йўлларда истиқбол сари интилган эл-юрт қани десангиз, у — Қорақалпоғистон!

РУСЧА-ЎЗБЕКЧА-ИНГЛИЗЧА ЮРИДИК ЛУҒАТ

"Ўзбекистон давлат энциклопедияси" нашриёти таниқли ҳуқуқшунос олимлар: халқаро кўсиёқ ҳуқуқшунослик академияси аъзолари Вильям Батлер (АҚШ) ва Акмал Саидов (Ўзбекистон) томонидан тузилган "Русча-ўзбекча-инглизча юридик луғат" ни нашр этди.

Луғат ҳуқуқшунос-юрислар, ўқитувчилар, банк ходимлари, илмий тадқиқотчилар, талабалар ва тадбиркорлар учун мўлжалланган. Мазкур луғат "юридик терминлар луғати" деб аталмагани боиси у фақат юридик терминларнигина эмас, банк, суд, прокуратура, адвокатура, божхона ва ички ишлар бўлимлари га ёзиллаган ариза ва шикоятларда қўлланувчи сўз ва иборалар, ҳатто боғловчи ва предлогларни (рус ва инглиз тилида) ҳам ўз ичига олганидандир. Ававал нашр этилган Ў.Сатимовнинг "Ўзбекча-русча-инглизча ҳуқуқий атамалар луғати" (1999) фақат юридик терминлар билан чегараланган эди. Луғатдан кенг халқ оммаси фойдалана олиши учун муаллифлар унда юридик соҳага доир ҳужжатлар, шикоят ва аризаларда, умуман, қонунчиликда учрайдиган терминлар билан бир қаторда турли сўз ва иборалар, предлог ва боғловчиларнинг уч тилдаги муқобилларини ҳам келтиришган.

нашр этилиши таниқли ҳуқуқшунос олим, профессор Акмал Саидовнинг ҳуқуқ-тарғибот ва кўсиёқ ҳуқуқшунослик соҳасида олиб бораётган ишлари билан боғлиқдир. Халқимиз суд, прокуратура, адвокатура, божхона, банк ва ички ишлар органларидаги ҳужжатларни расмийлаштиришни қанчалик яхши тушуниб етса, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳам шунчалик чуқур англайди. Шу тўғрисида, бу луғатнинг ҳуқуқ-тарғибот соҳасидаги аҳамияти катта. Луғатда халқаро ҳуқуқ ташкилотлари, БМТ, суд ва прокуратура, адвокатура ва ички ишлар идораларининг тўлиқ номлари уч тилда берилган. Луғатда қонунчиликда қўлланадиган сўз ва терминларнинг энг зарурлари ўрин олган. Баъзи сўз ва терминларнинг синонимлари ҳам келтирилган, чунки уларни матн ва қонун тақозоси билан доим ҳам бирини ўринда иккинчисини қўллаш мумкин эмас. Баъзи ҳолларда бир сўзнинг турли шакллари от, феъл ва сифат ҳолида қўллана-

ди ва инглиз тилида ҳар хил сўз ва сўз бирикмалари билан ифодаланади. Масалан: предъявитель — кўрсатувчи, берувчи — bearer; предъявить иск — даво қилмоқ — to bring a suit; предъявление — кўрсатиш, тақдим қилиш — 1. filing 2. submission; предъявление для опознания — таниш учун кўрсатиш — submission for identification каби (228-229-бетлар). Баъзи ўринларда ўзбек тилидаги бир неча сўз бирикмаси рус ва инглиз тилидаги бир ёки икки сўзга муқобил келиши мумкин: определение — ажрим, ажрим чиқариш, аниқлаш, белгилаш, таъриф — 1. definition; 2. ruling (189-бет) каби.

Баъзан инглиз тилидаги антонимлар, қарама-қарши маънодаги сўзлар бошқа муқобиллари билан берилди: гражданство — фуқаролик — citizenship (66-бет); безгражданство — фуқаросизлик — stateless (25-бет). Кейинги сўз "давлатсиз" деган маънони беради. Инглиз тилидаги учта сўз: appeal, cossation, cosational арпеал — касация шикоят, касационная жалоба (116-бет) деб берилди. Ўзбек тилидаги "қўриниш, қиёфа, сиймо, шакл, афт, башара, тарз, йўсин, усул, тахлит" ва рус тилидан ўзлашган "образ" сўзи инглиз тилида 1) form, 2) way, 3) manner (178-бет) сўзларига тўғри келади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бирор ариза ёки шикоят, ҳужжатни

ёзишда жуда кўп қўлланувчи предлоглар рус ва инглиз тилларида мавжуд. Хусусан, рус тилидаги "за" — учун, орқасида — 1) for, 2) at, 3) beyond, 4) behind (89-бет) деб берилди. Бу предлоглардан қайсиниси қайси ўринда қўлланаши инглиз ва рус тилларидаги матнларда аниқлашди.

Мазкур луғатда ҳуқуқшунослик ва қонунчиликда кўп қўлланувчи терминлар билан бир қаторда, бошқа сўз ва сўз бирикмаларининг келтирилгани ҳужжатлаштиришни яхшилашга хизмат қилади.

Луғатга энг кўп қўлланувчи юридик терминлар, сўз ва иборалар, предлог ва боғловчиларнинг рус, ўзбек ва инглиз тилидаги муқобиллари киритилгани қонунчилик ва ҳуқуқшуносликда катта аҳамиятга эга. Историки, луғатнинг кейинги нашрида йўл қўйилган айрим имло хатоларини тузатиб, кўпроқ нусхада чоп этиш зарур. Яна бир тақлифчи: инглиз тилидаги баъзи талаффузи қийин сўз ва терминларнинг транскрипцияси ҳам берилса, фойдаланувчилар учун осон бўларди.

Умуман, "Русча-ўзбекча-инглизча юридик луғат" ҳозирги ҳуқуқшунослик ва қонунчиликда, банк, божхона, тижорат хизмати ва бошқа соҳалар ходимлари ҳамда олий ва ўрта юридик ўқув масканлари талабалари, ўқитувчилари учун муносиб туҳфадир.

Фафур АБДУМАЖИДОВ, юридик фанлари доктори, Абдузхур АБДУАЗИЗОВ, филология фанлари доктори

"ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ САБОҚЛАРИ"

Шарқда азалдан устознинг мақоми ва мартабаси жуда юқори бўлган, шогирдни илму ҳунарга ўргатган инсон падар қаторида кўрилади. Миллий қадриятларимизда, ҳаёт тарзимизда ушбу ибратли аънананинг бардавомлиги маънавиятимизни бойитиб, нурлантириб тургани қувонарли ҳол. Зеро, устоз-шогирд муомаласи фақат таълим ёки бирор-бир касб-кор сир-асрорларини ўргатиш-ўрганиш билан чекланиб қолмайди, балки бу муносабат замирида ёшлар тарбияси, баркамол авлодни вояга етказишдек маъсулиятли ва шарафли вазифа туради. Инчунун, бугунги адабиётимизда ўз ижоди билан эътибор топиб, эл назарига тушган шоир ва адибларимиз ҳам бадиий сўз сеҳридан муҳтарам устозлар сабоқлари тўғрисида хабардор бўлганлар, уларнинг рағбати ва кўмағида катта адабиёт майдонига кириб келганлар. Ана ўша шогирдлар бугун устозлар хотирасини юксак қадрлаб, улардан олган қимматли сабоқларни миннатдор бўлиб эътироф этмоқдалар. Замонавий ўзбек адабиётининг таниқли вакилларида кўпчилигига устозлик қилган атоқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони, "Буюк хизматлари учун" ордени нишондори Озод Шарафиддинов ана шундай эътирофга лойиқ, унутилмас устозлардан биридир.

"Озод Шарафиддинов сабоқлари" номли рисоласида нафақат адабиётда ўз ўрнини топишида, ижод сирларини эғаллашида, шунингдек, ҳаётида устознинг жуда катта бағрикенглик билан кўрсатган кўмақларини, рағбат ва меҳр-муруватини миннатдор бўлиб қаламга олади.

Рисола муаллифи ўзининг талабалик йилларидан тортиб бутун ижодий фаолияти давомида олган сабоқлари — барча-барчасини ҳаяжон билан, ҳаётий воқеаларга боғлаб ҳикоя қилади. Ушбу хотиралар қаттида "Йил" этган истеъдод учқунни бор ҳаваскор қаламкашдан элга танилган ижодкоргача бирдай самимий, меҳрли муносабатда бўлиб келган, зарур ўринларда ёшларни ҳимоясига олган мунаввар қалбли муҳтарам устоз Озод Шарафиддиновнинг сиймоси яққол гавдаланади.

Рисолани ўқиб, бир шогирди ҳаётида атоқли муаллимнинг ўрни, беғараз хизмати, ижоди ва турмушига кўрсатган ижобий таъсирларидан хабардор бўлиш тарафидида беихтиёр Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг қуйидаги эътирофи ёдга тушади: "Озод Шарафиддинов ниҳоятда серқирра ижодкор эди. Лекин домлазиз педагог, мураббий эканликлари бир лаҳза ҳам унутган эмаслар. Қанчалар юксак мартабага, қанчалар юксак даражада журмат-эътиборга сазовор бўлганларида ҳам, шогирдларидан ҳеч қачон сўз урган эмаслар".

Дарҳақиқат, Озод муаллимнинг ҳаёти ҳам, ижоди ҳам бугунги, эртанги ижодкорларга катта мактаб, ибратли сабоқ бўлиб қолажа.



Озод Шарафиддинов сабоқлари

Доимий ҳамроҳ



иккинчидан, янги-янги асарларнинг яратилишига, ўлмас инсоний туйғулар, бадиий тафаккур ва ақлий-ижодий кашфиётларнинг ривож топиб, бойиб боришига бўйил бўлади.

"МАЪНОЛАР ОЛАМИГА САФАР"

Мураккаб адабий ва илмий-ирфоний асарларни шарҳлаш Шарқда қадимдан келаётган анъанадир. Чунончи, Ибн Сино, Ибн Арабий, Жалолиддин Румий, Хўжа Ҳофиз, Мирза Бедил асарлари турли даврларда шарҳлангани маълум. Баъзан бутун-бутун девонлар ёки алоҳида олинган асарлар (масалан, Саъдий Шерозийнинг "Гулистон" асари) маъно-мазмунини, ибора ва истилоҳларни тушунтирилган. Бу, биринчидан, машҳур асарлар гоёлари, маъносини соддароқ тарзда кенг ўқувчиларга етказишга кўмаклашса,

нинг умумий мазмун-маъносини, бадиий хусусиятларини устиди мулоҳаза юрлатади. Бундай тарздаги шарҳ улуг шоир ижодиётининг моҳиятини аниқлашда, ундан завок туйишда китобхонларга амалий кўмак беради.

"Маънолар оламига сафар" китобда юқорида баён этилган усулда Навоийнинг қирқта ғазали шарҳланган. Тагин ўнта ғазалга шарҳлар, дастлаб алоҳида мақолалар сифатида ёзилгани боис, китобда ўзгаришсиз келтирилган. Китобнинг охирида Н.Комиловнинг турли нашрларда чиққан Алишер Навоий ижодининг турли қирралари тадқиқ этилган "Аҳли камол корхонасининг комили", "Ажрим қилувчи кўзгу", "Устоз ва ёш истеъдод" каби бешта тадқиқот-мақоласи жой олган. Олимнинг бу китоби Навоийнинг ўлмас гоёларидан кенг омманинг баҳраманд бўлишида, ёш авлоднинг таълим-тарбиясида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Китобга Олимжон Давлатов муҳаррирлик қилган.

Биз ўзбеклар фарзандимиз келажаги учун ҳеч нарса ни аямаймиз. Айниқса, уларнинг тўйини ўтказиш мақсадида йиллаб йиғинамиз. Лекин бир қунак тўйни деб пулни бўлар-бўлмаста сарфлашни, ортиқча исрофгарчилик ва қарз ботқоғига ботишни қандай тушуниш мумкин?! Ҳамма ҳам бундай бемаъни одатга қўшилмайди, унинг талабларини бажармайди.

Яқинда, юқори мартаба ва каттагина давлатга эга шогирдим қудаси билан келишиб, кичкинагина кафедра энг яқинлари, бори-йўғи 50 киши иштирокида ширин ва ихчамгина тўй қилди. Мусиқанинг овози ҳам ҳеч кимга малол келмас даражада эди. Ҳамма тўйиб-тўйиб гаплашиб, қизикчилик қилди, ўйнади, яйради. Бу ҳам тўй, тантана, ҳам ўйин-кулги, ҳам хурсандчилик кечаси бўлди. Орадан кўп ўтмай, у иккинчи фарзандининг тўйини ҳам худди шу тарзда ўтказди. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида яшайдиган кишилар турмуш тарзини қузатсангиз, уларда тўй, ҳаттоки бадавлат кишиларнинг тўйи ҳам бизникига нисбатан анча ихчам ўтишига амин бўламиз. Масалан, Японияда тўйга ўн-йигирма нафар энг яқин қавм-қариндошлар ва дўстлар келиб, табрик сўзини айтиб, хурсандчилик қилиб, келин-куёвга яхши тилақлар билдириб, янги ҳаётга кузатишади. Мусиқа овозининг баландлиги эса меҳмонларнинг суҳбатига халақит бермайди, хоҳлаганлар бемалол эшитади ва рақсга тушади. Бизнинг аждодларимиз тўй масаласида ҳам ҳеч кимдан кам бўлган эмас. "Тўй" сўзи луғатда тўйиб овқатланиш

маъносини англатса-да, унинг мазмун-моҳияти жуда кенг ва чуқур бўлиб, ўзида эзгу фазилатларнинг бутун бир мажмуини экс эттиради. Яъни, тўйда биз бағрикенглик, инсонпарварлик, аҳиллик, ҳамжихатлик, саҳийлик, меҳмондўстлик, саломатлик, хайр-барақа, озодалик сингари кўплаб эзгулик-

дан бир ушоқни ҳам увол қилмас экан. Фарзандларининг тўйларини дабдабали қилиб ўтказмаган, исрофгарчиликни катта гуноҳ, тежамкорликка эса энг савоб иш, деб билган экан. Тежамкорлик ва тадбиркорлик билан тўплаган маблағини Пскент шаҳрида пахта тозалаш заводи

кишилар ҳам хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшиб мақсадида қурилатган университетнинг, ҳеч бўлмаса, бир дарсхонаси харажатини ўз бўйинга олиб, унинг эшигига номларини ёзириб қўйишар экан. Фарзанд ва набиралари эса шу ёзувни кўриб фахрланишади. Баъзи мамлакатларда маблағи катта ишларга етмаган фуқаролар, ҳеч бўлмаса, фирма ва компанияларнинг акцияларини сотиб олишарди. Бу иш ҳам давлатнинг қудратини оширишга, ҳам оила иқтисодиғи ёрдам беради...

Юртбошимизнинг "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака маросимлари, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни тартибга солиш тўғрисида"ги фармонидида шухратпарастлик, дабдабозлик, исрофгарчиликка берилиб, эл-юрт одатлари ва аънаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳолини инобатга олмаслик каби эски-

дан қолган асоратларга барҳам бериш юзасидан кўнчилигинг қўнглидаги гаплар айтилган. Ҳозир маҳалларимиз қошида тўйларни ихчам ва исрофгарчиликсиз ўтказишга кўмакла-



Тўй ҳам ибрат

Акмал ҒАФУРОВ, техника фанлари доктори, профессор

ИККИ АДИБ УЧРАШГАН НУҚТА

Жаҳоннинг буюк адиблари таърибларидан фойдаланиш, улар ижодидан таъсирланган натижасида бошқа хаёқлар адабиётлари гатори ўзбек адабиётида ҳам бир неча асарлар дунёга келган. Бугунги ўзбек насрида энг яхши асарлар деб эътироф этилган «Боқий дарбадар» ва «Озод» романи поэтикасида ҳам жаҳон адабиётининг таъсири сезилиб туради. Асарлар муаллифи — истъодди ёзувчи Исажон Султон бир сўзидан Достоевскийдан Толстойга, Камюдан Кьеркегорга, Ницшедан Шопенгауэргача бўлган буюк алоамаларнинг фалсафий оламига маҳдлаб бўлганини айтиб ўтган. Ана шу маҳдлик, жаҳон адиблари ижодига қизиқиш ва улардан таъсирланиш кейинчалик ёзувчининг янги услубдаги асарлар яратишига туртки бўлган.

Ёшлар овози

Адибнинг «Муножот» номли қиссаси, «Қисмат», «Боги Эрам», «Тодд» номли ҳикоялари ҳамда кетма-кет чоп этилган «Боқий дарбадар», «Озод» каби романи, нафақат ўқувчилар, балки танқидчи-олимларнинг ҳам диққатини жалб этди. Адабиётшунослар У.Норматов, А.Расулов, Д.Куронов, Қ.Йўлдошев, танқидчи Р.Раҳмат, А.Мелибоев, И.Ёқубов, У.Хамдам ва бошқалар Исажон Султон ижоди ҳақида жиҳдий фикрлар айтишди, мақолалар эълон қилишди. Ҳозирги адабий жараёнда бу адиб асарларининг бадиий хусусиятлари, ўзига хосликлари, ижодкор маҳорати ва образлар таҳлилига эътибор қаратилаётган.

Агар тасодифий ўхшашлик бўлса, сюжет ва образлар ўртасида бу қадар яқинлик бўлиши мумкинми? Бизнингча, бундай адабий таъсир натижаси десак, ҳақиқатдан йироқ бўлмайди. Албатта, сюжет ва образлардаги ўхшашлик ҳар доим ҳам адабий таъсирлар натижаси, деб қараши мумкин. Бунга мисол тарихимизда «Алломиш» ва «Одиссей»нинг ўқаш тарафларини олиш мумкин. Бу икки шох асар орасида неча-неча асарлар ётибди. «Алломиш»ни яратган аждодларимиз Хомерни ўқиб тугул, эшитганини ҳам тасаввур этиш қийин. Бироқ техника ривожланган, ахборот оқими шиддат билан кириб келаётган бир даврда Исажон Султондек изланувчан ёзувчи Пауло Коэлони ўқиган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас («Алкимёгар» романи 2003 йили, «Иблис ва Прим хоним» 2010 йили ўзбек тилида чоп этилган маълум. «Боқий дарбадар» ва «Озод» романи эса улардан кейинроқ наср этилди).

«Боқий дарбадар» ҳамда «Иблис ва Прим хоним» романи ўртасида ҳам муштаракликлар кўринади. Иккала асарда ҳам бетакдор тақдир эгаларининг қисматини тасвирлаш асосида ёвузлик ва эзулик, нафс ва сабр, нафрат ва муҳаббат, йимон ва гуноҳ сингари умуминсоний тушунчалар моҳияти ёритиб берилган. «Иблис ва Прим хоним»даги Мусофир тинмай дунё кезади. Мусофирнинг дунё кезишдан мақсади бор. Асарда келтирилишича: «Улар тинимсиз дунё кезадилар: баъзида шунчаки нимадир содир бўлаётганини билиш, ҳоҳида йимонли инсонларни имтиҳон қилиш учун». Демак, Мусофир йимонли кишиларни синаш учун турли мамлакатларга таширғи буоради. «Боқий дарбадар» асари қаҳрамони — Мангу Дарбадар эса дунёда мақсадсиз кезади, дахшатли тўфонга жазирамалар, қору ёмғирлар остида сархоро биёбонларни, тоғу тошларни бесамар босиб ўтади. Коэлоннинг дарбадари — ёвузлик элчиси, мусофир-сайёҳ қиёфасидаги иблис. Исажон Султоннинг дарбадари эса иблиснинг сўзига кириб, гуноҳга қўл урган кимса. Бу ўринда Исажон Султон маҳорати инсон қисматини ўзига хос фалсафий-психологик таҳлил асосида акс эттиришга интиланганда, воқеаларни қаҳрамон руҳияти фонидан бера олганида кўринади.

«Боқий дарбадар» романи мазмун-моҳият жиҳатдан «Иблис ва Прим хоним»дан анча юқори туради. Яъни П. Коэлло асаридея ёвузлик ва эзулик ўртасидаги курашни бир қадар жўн ифодалган. «Боқий дарбадар»да эса Инсоннинг қисмат қаррисида оқибатнинг қўлдан бўлиши таъкидланади. Шу ўринда икки миллат вакили бўлган ёзувчиларнинг йимон, эътиқод, дин боридаги қарашлари, яъни дунёқарашлари ўртасидаги тафовут яқин сезилди. Коэлло — Фарб адабиёти намоянчаси, у одамзоднинг қисмат олдидаги ожиз банд эканлигини эмас, балки одамзоднинг тафаккурини гайритаъдил ишончи ифода этади. Энди бу нуқтада Пауло Коэлло ва Исажон Султонни қиёслаб бўлмайди. Чунки тақдир ҳуқуқи рози бўлган мўмин билан тақдирни қўли билан яратмоқчи тилагидидаги фарб кишининг ахлоқий қарашлари кескин фарқланади. Демак, Исажон Султоннинг одам ва олами ағлаши мутлақо шарқона ва ўзига хосдир. У «Боқий дарбадар» романида миллий руҳият, ўзбекона одат-қарашларни теран акс эттирган.

Айтмоқчи бўлганимиз, оригинал шаклда таъриф берилганми, аслида жаҳон сўз олами ва шарқ мумтоз адабиётини азалдан мавжуд бўлган. Ёзувчи Исажон Султон эса ўз маҳорати билан бу аънавий шаклга янгича миллий либос қийдиран. «Боқий дарбадар» ва «Озод» романидаги «бугунги ўзбек адабиётини янги ҳодиса» (Улғабек Хамдам), деб айтишимиз мумкин. Бироқ романчилигимиз майдонида ҳануз оригинал бадиий шаклга эҳтиёж катта.

Тўғри, бугунги ёзувчиларимиз шаклда турли таъриблар қилиб кўришга уринади. Бундай изланишлар натижасида яратилган асарларда воқеликнинг ўзигина ифодаланмай, аънавий ва гарбона услублар уйғунлаштирилган ҳолда ўтмиш ва бугун, ривоят ва реал ҳаёт тарзлари акс эттирилмоқда. Аммо адабиётшунос Қ.Йўлдошев таъкидлаганидек, бугунги «ўзбек романи муаллифидан ҳар бир қаҳрамонини тушуниш ва акс эттиришининг бироникига мутлақо ўхшамайдиган концепцияга эга бўлиш талаб қилинади». Кибобхонлар ёзувчиларимиздан ана шундай романини кутишга ҳақли, деб ўйлаймиз.

Зарина РАҲМОНОВА, ЎЗМУ тадқиқотчиси

таци тил орқали қилинган таржималар объект қилиб олинмоқда. Шу ўринда З.Исомиддиновнинг «Каминанинг фарбча фикрлай олмас. Лекин бу масалани таржиманинг охири босқичида фарблик мутахасис билан ҳамкорликда қайта кўриб чиқиб, таржимани таҳрирдан ўтказиш орқали ечиш мумкин-ку. Бунинг учун замонавий коммуникация тармоқларида имкониятлар етарли назаримизда. Таржимон Динара Султонованинг ўзбек адабиётининг инглиз тилига қилган таржималари Американинг www.roetry.com сайтида рейтингнинг энг юқори ўринларини анча вақт қўлдан бермай келганига гувоҳ бўлганман. Излаган имкон топади, муҳими ишонч ва йўмақ.

Энди инглиз тилидан ўтирилган дастлабки романнинг айрим жиҳатларига эътибор қаратсак. Асарнинг ҳажми ва матнининг мураккаблиги, ҳақиқатдан ҳам, таржимон меҳнатига таҳсин айтиш учун етарли асос бўлади. Аммо таржимода ноўрин ишлатилган таъбирийд иборалар («шинам сумка», «нодир мато», «шаффоф ва гўзал»(қиз), «қилич бурун» каби), услубий ғализликлар, сўзлар такрори китобнинг деярли ҳар бетидан учрайди. Таржимон «илтерламоот» деган сўзни жуда кўп ишлатади. Баъзида бу сўз қандайд маънода келатганини ағлаш мумку: «Унинг шу илтерламоотида дастлаб жаовб берган мен эдим» (130-бет), «...илтерламоот юзасидан ўз зиммангизга олишингизни илтижо қилардим» (133-бет), «Унинг жентлменлик илтерламооти илтимосини рад этишга ожиз эди»(139-бет), «Менга булган илтерламоотингиз ва мен учун жон қуйдириб қилаётган ҳаракатларингизга яраша хизматингизда бўлайин» (143-бет). Бу сўз изоҳли луғатда ҳам учрамагач, уни таржимон «илтифот» маъноси-

Факр аро беранглик душвор эрур беҳад, ва лек, Ҳирқалда тикмак эрур осон қизил, сориг, яшил —

байтининг инглизча таржимасидан ағлашилганидан маъно жуда фарб:

The poor can hardly afford clothing even of a single shade, Still they can easily sew into their robes stripes of red, yellow and green.

(Сўзма-сўз таржимаси: «Камбағаллар ёлғиз ўзларинингани кийим билан зўрга таъминлайдилар, шунинг учун улар хирқа, яъни чакмонларига қизил, сариқ ва яшил ямоқларни осонлик билан тикадилар».)

Аслиятда муқобала, яъни қаршилантириш санъати қўлланган бўлиб, бу санъат бир-бирига зид тушунчалар орқали муайян гоини таъкидлаш, таъсирчан ифодалаш мақсадида ишлатилади. Таржимон «факр»даги «беранглик» ва «хирқадгаи «ранг-баранглик» тушунчалари орқали ишлатилган муқобала санъатига эътибор бермагани учун байт маъносини жўнлаштириб қўйган. Натийжада, таржимода ғазалдаги теран фалсафий хикматга эга шохбайт оддий мулоҳазага ва маъносиз мисраларга айланиб қолган. Факр (факрлик) сўфийлик мартабасидаги бир мақомдир. Абдурахмон Жомий факрни икки турга бўлади: расмий ва ҳақиқий. Расмий факр деб мол-дунёга эга бўлмаслик ва факр яшашликка айтади. Ҳақиқий факр эса, ҳар қанча давлати бўлса ҳам, ҳар қандай шароитда ҳам мол-дунёга берилмайди ва ниҳоятда оддий яшайди. Баъзи шайхлар халқни Ҳақ йўлига эргаштириш учун факр суратида тарғибот ишларини олиб борганлар. Улар бой бўлсалар ҳам дунё ҳоқ хавасларига лоқайд қараганлар (беранглик шунга ишора). Инсон нафс исканжасидан халос бўлар экан, илоҳий моҳиятни чуқурроқ идрок эта бошлайди. Зоҳирдаги факр аломати бўлиши турли ямоқли либос ботинан факрга айланганлик далолати эмас, дейди Навоий. Бу ўринда таржимон «факр» сўзини «poor» деб эмас «fakir» деб берса бўларди.

Инглиз тилига дастлаб транслитерация қилиб келинган бу Шарқ реалиеси эндиликда инглизча изоҳли луғатларда — «fakir — Moslem holy beggar» (қаландар ёки дарвеш маъносидаги муулмон муқаддас тиланчиси) тарзида учрамоқда. Демак, факр сўзининг лексик маъноси инглиз китобхонага таъсир. Таржимода факр сўзининг тасаввуфий маъноси ва байтдаги мазмуни, яъни Навоий ҳақиқий факр бўлиб яшаш мушуқ эканлиги, аммо чакмондаги ранг-баранг ямоқлар орқали факрликка даъво қилиш осон эканлиги ишора қилаётганлиги ва риёкорлики қоралаётгани қисқа изоҳда тушунтириб кетилса, байтининг ботиний мазмуни инглиз ўқувчисига аён бўлган бўларди. Хорижлик таржимонлар амалга оширган ҳуқоридидаги каби таржималарга қўллаб мисолларни келтириш мумкин.

Ҳўш, бундан қандай хулоса келиб чиқади: қайси хорижлик таржимон ўзбекдан кўра ўзбек адабиётини яхшироқ тушуна оларди? Таржимода шеърятимиз, бадиийтимиз малохати, ёзуви ва шoirларимиз истъодди шарқона тафаккури-ю услуби намоян бўлмас экан бу таржимани хорижлик таржимон амалга оширганидан нима наф? Бизнинг назаримизда бу мақсадга эришининг йўли, биринчидан, таржимани илмийга, бадиий адабиётга иктидори бор ёш талабаларни шу соҳага йўналтириш, «Еш таржимонлар мактаби»лари фаолиятини республика микёсида йўлга қўйиш; иккинчидан, кўп йиллик таърибга эга таржимашунос олимларни ёш таржимонларга устозлик қилишлари ва объектив таржима танқидчилигини йўлга қўйиш; учинчидан, мутахасис (таржимани тили вакили) билан ҳамкорлик қилиб, таржимани сайқаллаб таҳрирдан ўтказишдан иборат.

Мана шу йўлдаги саъй-ҳаракатлар бугун бир қадар жонланаётгани қувонарлидир. Шу маънода, умид билан қадалаётган ниҳоллар бир кун япроқ чиқариб мева беришига ишонайлик. Зеро, ишонч ва эзгу мақсад ҳеч қачон самара бермай қолмаган.

Гулноза ОДИЛОВА, филология фанлари номзоди

қўллаб экстралингвистик омилларга ҳам боғлиқ. Тўғри, миллий адабиётимиз намуналарини инглиз тилига таржима қилаётган ёшларимиз фарбча фикрлай олмас. Лекин бу масалани таржиманинг охири босқичида фарблик мутахасис билан ҳамкорликда қайта кўриб чиқиб, таржимани таҳрирдан ўтказиш орқали ечиш мумкин-ку. Бунинг учун замонавий коммуникация тармоқларида имкониятлар етарли назаримизда. Таржимон Динара Султонованинг ўзбек адабиётининг инглиз тилига қилган таржималари Американинг www.roetry.com сайтида рейтингнинг энг юқори ўринларини анча вақт қўлдан бермай келганига гувоҳ бўлганман. Излаган имкон топади, муҳими ишонч ва йўмақ.

Энди инглиз тилидан ўтирилган дастлабки романнинг айрим жиҳатларига эътибор қаратсак. Асарнинг ҳажми ва матнининг мураккаблиги, ҳақиқатдан ҳам, таржимон меҳнатига таҳсин айтиш учун етарли асос бўлади. Аммо таржимода ноўрин ишлатилган таъбирийд иборалар («шинам сумка», «нодир мато», «шаффоф ва гўзал»(қиз), «қилич бурун» каби), услубий ғализликлар, сўзлар такрори китобнинг деярли ҳар бетидан учрайди. Таржимон «илтерламоот» деган сўзни жуда кўп ишлатади. Баъзида бу сўз қандайд маънода келатганини ағлаш мумку: «Унинг шу илтерламоотида дастлаб жаовб берган мен эдим» (130-бет), «...илтерламоот юзасидан ўз зиммангизга олишингизни илтижо қилардим» (133-бет), «Унинг жентлменлик илтерламооти илтимосини рад этишга ожиз эди»(139-бет), «Менга булган илтерламоотингиз ва мен учун жон қуйдириб қилаётган ҳаракатларингизга яраша хизматингизда бўлайин» (143-бет). Бу сўз изоҳли луғатда ҳам учрамагач, уни таржимон «илтифот» маъноси-

Факр аро беранглик душвор эрур беҳад, ва лек, Ҳирқалда тикмак эрур осон қизил, сориг, яшил —

байтининг инглизча таржимасидан ағлашилганидан маъно жуда фарб:

The poor can hardly afford clothing even of a single shade, Still they can easily sew into their robes stripes of red, yellow and green.

(Сўзма-сўз таржимаси: «Камбағаллар ёлғиз ўзларинингани кийим билан зўрга таъминлайдилар, шунинг учун улар хирқа, яъни чакмонларига қизил, сариқ ва яшил ямоқларни осонлик билан тикадилар».)

Аслиятда муқобала, яъни қаршилантириш санъати қўлланган бўлиб, бу санъат бир-бирига зид тушунчалар орқали муайян гоини таъкидлаш, таъсирчан ифодалаш мақсадида ишлатилади. Таржимон «факр»даги «беранглик» ва «хирқадгаи «ранг-баранглик» тушунчалари орқали ишлатилган муқобала санъатига эътибор бермагани учун байт маъносини жўнлаштириб қўйган. Натийжада, таржимода ғазалдаги теран фалсафий хикматга эга шохбайт оддий мулоҳазага ва маъносиз мисраларга айланиб қолган. Факр (факрлик) сўфийлик мартабасидаги бир мақомдир. Абдурахмон Жомий факрни икки турга бўлади: расмий ва ҳақиқий. Расмий факр деб мол-дунёга эга бўлмаслик ва факр яшашликка айтади. Ҳақиқий факр эса, ҳар қанча давлати бўлса ҳам, ҳар қандай шароитда ҳам мол-дунёга берилмайди ва ниҳоятда оддий яшайди. Баъзи шайхлар халқни Ҳақ йўлига эргаштириш учун факр суратида тарғибот ишларини олиб борганлар. Улар бой бўлсалар ҳам дунё ҳоқ хавасларига лоқайд қараганлар (беранглик шунга ишора). Инсон нафс исканжасидан халос бўлар экан, илоҳий моҳиятни чуқурроқ идрок эта бошлайди. Зоҳирдаги факр аломати бўлиши турли ямоқли либос ботинан факрга айланганлик далолати эмас, дейди Навоий. Бу ўринда таржимон «факр» сўзини «poor» деб эмас «fakir» деб берса бўларди.

Инглиз тилига дастлаб транслитерация қилиб келинган бу Шарқ реалиеси эндиликда инглизча изоҳли луғатларда — «fakir — Moslem holy beggar» (қаландар ёки дарвеш маъносидаги муулмон муқаддас тиланчиси) тарзида учрамоқда. Демак, факр сўзининг лексик маъноси инглиз китобхонага таъсир. Таржимода факр сўзининг тасаввуфий маъноси ва байтдаги мазмуни, яъни Навоий ҳақиқий факр бўлиб яшаш мушуқ эканлиги, аммо чакмондаги ранг-баранг ямоқлар орқали факрликка даъво қилиш осон эканлиги ишора қилаётганлиги ва риёкорлики қоралаётгани қисқа изоҳда тушунтириб кетилса, байтининг ботиний мазмуни инглиз ўқувчисига аён бўлган бўларди. Хорижлик таржимонлар амалга оширган ҳуқоридидаги каби таржималарга қўллаб мисолларни келтириш мумкин.

Ҳўш, бундан қандай хулоса келиб чиқади: қайси хорижлик таржимон ўзбекдан кўра ўзбек адабиётини яхшироқ тушуна оларди? Таржимода шеърятимиз, бадиийтимиз малохати, ёзуви ва шoirларимиз истъодди шарқона тафаккури-ю услуби намоян бўлмас экан бу таржимани хорижлик таржимон амалга оширганидан нима наф? Бизнинг назаримизда бу мақсадга эришининг йўли, биринчидан, таржимани илмийга, бадиий адабиётга иктидори бор ёш талабаларни шу соҳага йўналтириш, «Еш таржимонлар мактаби»лари фаолиятини республика микёсида йўлга қўйиш; иккинчидан, кўп йиллик таърибга эга таржимашунос олимларни ёш таржимонларга устозлик қилишлари ва объектив таржима танқидчилигини йўлга қўйиш; учинчидан, мутахасис (таржимани тили вакили) билан ҳамкорлик қилиб, таржимани сайқаллаб таҳрирдан ўтказишдан иборат.

Мана шу йўлдаги саъй-ҳаракатлар бугун бир қадар жонланаётгани қувонарлидир. Шу маънода, умид билан қадалаётган ниҳоллар бир кун япроқ чиқариб мева беришига ишонайлик. Зеро, ишонч ва эзгу мақсад ҳеч қачон самара бермай қолмаган.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бу ишларимиз ҳозир ўзининг илк босқичида. Халқимизнинг: «Қимирлаган қир ошар», деган ҳикмати ағла қилиб, келажакда талабаларимиз орасидан кучли таржимонлар етишиб чиқишига умид боғлаганимиз. Мана шундай саъй-ҳаракатлар жараёнида таржимон кадрларни тайёрлаш масаласида турли хил фикрлар айтаётгани, баҳс-мунозара бўлаётганига ҳам табиий ҳол, деб қараш жоиз, албатта. Мен бу ўринда Зухридин Исомиддиновнинг «Каминанинг номлари...» («ЎзАС», 2012 йил 29 июни) ва Адхамбек Алимбековнинг «...Ўзимиздан қачон чиқиди?» («ЎзАС», 2012 йил 6 июл) мақолаларини назарда тутаялман.

Яширмайман, З.Исомиддинов ўз мақоласида ҳақли эътирофлар («...бадиий таржима тўлиғича бадиий ижод, ҳеч қачон йўқ») билан бирга бир қаторда эътироз туғдирадиган фикрларни ҳам билдирган. Уларни умумлаштириб айтганда бўлса, мақола муаллифи иктидорли талабалар орасидан таржимонлар тайёрлашга самарасиз машғулот, деб қарайди: «Чунки таржимонлик ўта миллий ва... сартарошликка қараганда минг чандон теранроқ нарсасу, у фақат шу миллат кишининг бадиий тафаккури меваси бўлиб юзага чиқиди». Ҳақиқатан ҳам, З.Исомиддинов ёзгандек, «дуч келган ўзбекча, сен ўзбекчани билсан-ку, кел энди ҳикоя ё шеър ёз, асақанг кетмайди десак» бадиий ижодга «сартарошликка қараган» дей ёндашган бўламиз. Бугун олий ўқув юрларида жаҳон тилларини пухта ўрганаётган, бадиий ижодга иктидори бор, таржимонликка интилиши, лаёқати сезилиб турган талабани «дуч келган ўзбек»дан фарқи бор-дир, ахир? Бундай «бола»ларга йўналиш бериш, уларнинг изланишларини, машқларини қўллаб-қувватлаш лозими ёки сенинг таржимангни «бироз бадиий асар сифатида ўқимайди», деб қанотини қайриш керакми? Бу борада мен яна ўз таърибларимдан келиб чиқиб, универзитетимиз қошидаги «Еш таржимонлар мактаби» машғулотларининг, албатта, самара беришига ишонимизни таъкидлашни истаялман.

Дарвоқе, мактабимиздаги машғулотларда таржима амалиётини таржима танқиди билан бирга қўшиб олиб бориш мақсадида кейинги йилларда амалга оширилган бевосита таржималарни аслият билан солиштириб, таржимасарда аслиятнинг бадиийлиги, руҳи ва мазмуни қай даражада акс этганини муҳокама қилиб борамиз. Мисол учун, машғулотлар давомида «Каминанинг номлари...» мақоласи муаллифи З.Исомиддинов муҳаррирлик қилган таржимон Абдуқаҳор Иминов томонидан инглиз тилидан бевосита ўзбекчага ўтирилган Вилки Коллинзининг «Оқ қийинган аёл» (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубонаси нашриёти, 2010 йил) романини катта қизиқиш билан мутлола қилдик. Муҳаррирнинг бу китобга ёзган сўзбошини дағи айрим фикрлари юқориде таълиб олинган мақоласидаги қарашларига мос эмаслиги бизни ажаблантирди. Шу сўзбошидан баъзи жумлаларни келтирсак: «Энди қисқача роман таржимаси ҳақида. «Оқ қийинган аёл» — ўзбекчага инглиз тилидан бевосита ўтирилган тўғрича роман. Унинг муҳаррими Абдуқаҳор Иминов эса профессионал таржимонликка даъвогар одам эмас. У маъмурий лавозимларда ишлаган, инглиз тилини пухта билади (мен ўтган йили унинг Берлинда яшайдиган неварасига таваллуд кунини билан табриклаб, инглиз тилида шеър ёзиб жўнатганига гувоҳ бўлганман)...».

Билмадик, 650 бетлик таржима асарини нашр қилган ижодкорни «таржимонликка даъвогар эмас», деб эътироф этишни қандай тушуниш мумкин? З.Исомиддинов таржимонни «музёбар кема»га қиёслаб, ўқувчини таржимода йўл қўйилган камчиликлардан кўз юмишга ундайди: «Албатта, аслиятнинг бирон жиҳати ушбу таржимода бошқачароқ акс этиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Аммо унинг дастлабки йирик таржима — қўлламли таърибга эканлигини хисобга олиб, унма-чунча нуқсонлардан кўз юмсақ, ҳеч бокиси йўқ. Илло, биринчи бўлиб йўл очганлардан ҳамма нарсда бадастариликни талаб қилиш ноўрин кема. Музёбар кеманинг иши — музни ёриб йўл очиш, нафт ташиш ва балик овлаш бошқаларга тан».

Очғи, З.Исомиддиновнинг ушбу сўзбошини билан «Каминанинг номлари...» мақоласини солиштириб ҳайрон бўлдик: мақолада у таржиманинг бевоситан чиқиши учун қайғуриб, ёш таржимон бундай масъулиятни уудаллай олмайди деса, сўзбошида ёши улғу таржимондан маъсуляти талаб қилманг, деган маънода сўз юрилтади. Ёшларни «бола» десак, кексаларни «аяйлик» десак... Ҳўш, бадиий таржиманинг эстетик завқ бера оладиган даражада қизиқиш таржимоннинг кекса ёки ёш эканига боғлиқми? Бизнингча, таржиманинг бадиий етук қизиқиш таржимода рецептор прагматикаси билан ҳисоблашилганига ва бошқа

нингинг осон ва завқли кеңишига имкон яратади. Шу ўринда «Жаҳон маданияти ва санъати» руқни остида берилган материалларнинг ранг-баранглик касб этганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз кўринади. А.Иломоованинг Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият ва илмий техник ҳамкорлик бўлими масаласида, Ўзбекистондаги Француз институти директори Фредерик Беллидо билан сўхбати, У.Қўчқор тайёрлаган «Урфунун иймон соҳибни», Ю.Хошимова тайёрлаган «Жаҳон экранининг энг ёқимтой «саъдий»си», шунингдек, фарбу шарқлик адибу алломалар

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ»

2012 йил, август ойи сона

Журналнинг янги сонини марақлаб, таҳририятнинг ушбу нашр мазмун-мундарижасини янада бойитиш, ўқувчиларга қулайлик туғдириш, дизайн устида ишлаш-изланишлари давом этаётгани ва бу борада яхши натижаларга эришяётганига гувоҳ бўласиз. Чунончи, руқнларнинг безакли ёзилгани, саҳифалар тепасида муаллифлар, асарлар номлари қайд этилгани, ҳар бир ижодкорнинг асари ёнида суратлари берилгани каби янгиликлар муштарийларга мутлола жарая-

нингинг осон ва завқли кеңишига имкон яратади. Шу ўринда «Жаҳон маданияти ва санъати» руқни остида берилган материалларнинг ранг-баранглик касб этганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз кўринади. А.Иломоованинг Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият ва илмий техник ҳамкорлик бўлими масаласида, Ўзбекистондаги Француз институти директори Фредерик Беллидо билан сўхбати, У.Қўчқор тайёрлаган «Урфунун иймон соҳибни», Ю.Хошимова тайёрлаган «Жаҳон экранининг энг ёқимтой «саъдий»си», шунингдек, фарбу шарқлик адибу алломалар



Наср илхомандлари Ёвдат Илёсовнинг «Олачибор ажал» романини (Шоҳамуд Мансуров таржимаси),

италиян адиби Дино Буццатининг «Катталаштирилган сурат» қиссасини (Назира Жўраева таржимаси), япон ёзувчиси Масадзи Ивакуранинг «Олтин балиқча» ҳикоясини (Дилдора Алиева таржимаси) ўқийдилар. Тоҳирбек таржимасида берилган XX аср француз шеърятидан намуналар орасида Фарб поэзияси классикалари Поль Фор, Шарль Пегу, Гийом Аполлинер, Жюль Сюпервьель, Пол Элюар, Робер Деснос ва Гильвик асарлари бор. Жамол Камол таржимасидаги Хўжа Хофиз Шерозий ғазаллари, Рауф Субхон таржимасидаги Фёдор Тютчев шеърлари мутлоласи ҳам завқли,

Журналларни варақлаганда

сурурли лаҳзаларни бағишлаши шубҳасиз. Рус тилидан Мирзаалон Исмоилий ўзбекчалаштирган Шекспирнинг «Беҳуда шов-шув» драмаси, Жан-Жак Руссоннинг «Халқ бахти ҳақида» номли фалсафий рисоласи (Абдунаби Абдуқодиров таржимаси) мумтоз фарб адабиёти намуналаридан баҳраманд этади. Танқидчи таржимон, Европа адабий таржимонлар уюшмалари кенгагининг раиси Холгер Фокнинг мақоласи (немис тилидан Мирзаали Акбаров таржимаси) адабий таржима муаммоларига бағишланган.

«Жаҳон адабиёти» 2012 йил, август ойи сона

Бўлғуси санъаткор олий ва ўрта махсус ўқув юртралида танлаган ихтисослиги бўйича қайта-қайта синов доволаридан ўтар экан, галдаги ижодий марраларни кўзлаб илдам қадам босади. Бу йўлда устозларнинг асосий мақсади талабанинг мусикий тафаккури тобора кенгайиб, ижодий салоҳияти ортиб, ички имкониятлари янада бойишига эришишдир. Бунинг учун талаба миллий ва умумжаҳон мусиқа қадриятлари ҳақидаги тегишли билим ва кўникмаларни муттасил ўзлаштириб бориб, касб малакасини ривожлантириш устида мунтазам шугулла-нишга одатланган бўлиши лозим.

Бунда устоз ўғитларидан бахраманд бўлиш, яъни "мактаб кўриш" асосий шартлардан бири ҳисобланади. Бизда хонандалик йўналишининг таркиби каттагина бўлиб, ижро мактаблари ҳам кўп. Зеро, юртимизда хонандалик йўналиши соф чолғу ижрочилигидан анча аввал шаклланган. Кундалик турмушда ҳам одамлар бирор куй-оҳангга боғланган сўзларни ёқимли овоз орқали тинглаб таъсирланганда ёки ўзи юракдан чиқариб баҳоли қудрат куйлаганда хис-туйғулари жўш уриб, таскин топгандек

дай ҳол эса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатиши, шубҳасиз.

Хўш, янгиланиш вазиятида эркин халқроқ маданий алмашинувлар, ижодий мулоқотлар таъсири остидаги махсус мусиқа таълимининг хонандалик йўналишини қайси йўл билан такомиллаштириши мумкин? Жаҳон андозаларидаги мумтоз мусикий қадриятларни асраб-авайлаш, тарғиб этиш кимлар ва нималарга боғлиқ? Албатта, мусикий саводхонликни ошириш, соғлом рақобатни

тартибини ҳосил қилувчи", қолаверса "...нафас интизоми", овознинг "силлик" ҳаракат этиши, регистрларнинг ўзаро мутаносиб бўлиши ҳамда овоз доираси ҳажмининг ортиши" учун бажариладиган техник машқларни кўрсатиб ўтганлар.

Маълумки, ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталарига қадр ўзбек анъанавий хонандалиги ўқув юртралида ўргатилмасди. Шунинг учун ҳам бу мактабнинг тарихи яхши ёритилмаган, илмий-назарий асослари эса тўла ва мукамал ишлаб чиқилмаган. Шундай бўлса-да, бу борада амалда қувонарли натижалар бисёр.

Ота Жалол, Содирхон ҳофиз, Ҳожи Абдулазиз, Домла Халим, Левича ҳофиз, Тўйчи ҳофиз, Ҳожиқон Болтаев, шунингдек, Халима Носирова, Назира Аҳмедова, Саодат Қобулова каби беназир хонандаларнинг куйлаш санъати миллий маданиятнинг тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилганини яхши биламиз. Зеро, уларнинг ижодий ютуқлари, кашфиётлари бугун ҳам, келажакда ҳам ёш хонандаларга ибрат бўларди.

Атоқли хонанда, Ўзбекистон халқ ҳофизи, профессор Фаттоҳон Мамадалиев ўзининг "Миллий хонандалик ва унинг овоз хусусиятлари" номли мақола-сида ушбу мавзуга тегишли жуда кўп ва қимматли тарихий маълумотлар келтиради. Шу асосда муаллиф ўзбек ашулчилигида кўпроқ учрайдиган етти хил овозни ажратиш, уларга қисқача таъриф ҳам берган. Булар "нор", "тик" ёки "жарангдор", "жарангдор қуврак", "куюк тил", "бўзак ёки мода", "панг", "хаста ишқами" овозлардир.

Назаримизда, мазкур атама ва тушунчаларни аънавий, хусусан, мақом хонандалигида кенгрок ишлатиб, илмий муомалага ҳам киритиб, фаол синаб кўриш пайти келди.

Ўзбекистон халқ артисти, созанда Улмас Расулов ўз устозлик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда "Аънавий хонандалик ўқитиш методикаси"ни ишлаб чиқишга муваффақ бўлди. У мусиқа таълими олдигаги вазифаларни тилга олар экан, "...Коммуна Исмоиловадаги мунг, Назира Юсуповадаги шиддат, Саодат Қобуловадаги равонлик, Берта Давидовадаги ноёб қочиримлардан яралган гоҳ маҳзун, гоҳ шодон кайфият бахш этувчи, тингловчи руҳиятига ҳукмронлик қила оладиган дард аталмиш неъмат", ёшларга ибрат бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, инсон овози билан боғлиқ, бевосита унга мўлжалланган мусиқа намуналари, ижрочилигининг аҳамияти, доврўи ҳамма билан баланд юрган. Асарнинг тингловчиб бўлиши, омма учун мўлжалланган хислатлари бўйича хонандаликка тенглаша оладиган бошқа бирор мусикий йўналишни топиш амри маҳол. Агар кўшиқда сўз билан куй ўзаро уйғун бўлса, тингловчига олам-олам қувонч, рўханий маъна ва эстетик завқ бериши, шубҳасиз. Шу тариқа кўшиқ одамларни эъзуликка қорлайди, бадиий диндини ўзгарилади, бир сўз билан айтганда, комиллик сари йўллайди.

Хонандаларда, хусусан, вокал ижрочилигида айнан шундай хислатларни тарбиялашнинг асосий йўллари билан бўлғуси мутахассисларда мумтоз миллий мусиқамизга мўҳаббат туйғуларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг Европа академик хонандалик мактаблари билан мумтоз миллий операнинг мазмун-моҳияти ва услубий ижро хусусиятларини узвий боғлаган ҳолда пухта ўзлаштиришларини таъминлашдир.

Муъяссар РАЗЗОҚОВА, Ўзбекистон халқ артисти, халқроқ танловлар совриндори

Фолклор мероси эъзозда

Асл санъат доим халқдан куч олган, унинг қалбидаги эзгу орзу-истаклар, интилашларни, мақсаду маслақ, ўтинч ва умидларни ифода этишга қизик қилган. Фолклор санъатининг ноёб дурдонаси — халқ кўшиқларидан бирида шундай мисралар бор:

Чарх йигириб, чарх йигириб,
Шул қўлганим толадур.
Агар шунинг йигирмасам
Болалар оч қоладур.

Бу парча хунармандчилик билан боғлиқ "Чарх кўшиқлари"дан бир айтим, холос. Матн жуда содда, аммо унда ўзбек аёлларининг меҳнат ҳақидаги қарашлари муҳассам. "Азоб кўрмай роҳат йўқ" каби панду насихатлар, мақоллар моҳияти ҳам кўшиқ матнига сингдирилган. Энг доно ҳикматлар, нозик ибораю ташбеҳлар, "мағзи тўқ" фикрлар ҳам аслида халқ даҳосидан руҳ олади. Зотан "фолклор" сўзининг луғавий маъноси ҳам "халқ донолиги" демакдир. Фақат бу доно ижоднинг ягона муаллифи бўлмайди, унинг яратувчиси ҳам, тарғиботчиси ҳам халқнинг ўзи.

Йиллар давомида оғиздан-оғизга ўтиб, турли айтивчилар томонидан сайқалланиб, мукамал бир шаклга эга бўлиб бораётган халқ оғзаси ижоди намуналарига эътибор, шубҳасиз, маънавиятга, ўзликини англашга эътибордир. Пойтахтимизнинг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган "Номаддий маданий мерос — халқ дурдонаси" мавзудаги мулоқот бу борадаги ишлар кўлами кенгайиб бораётганидан далолат беради. Мулоқотда тажрибали мутахассислар, фолклоршунос олимларнинг долзарб мавзудаги маърузалари тинланди. Асосий эътибор ўсиб келаётган ёш авлоднинг халқ оғзаси ижодиётига ҳурмат руҳида тарбиялаш, бебаҳо маънавий мерос намуналарини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, асраб-авайлаш билан боғлиқ масалаларга қаратилди.

— Номаддий маданий мерос тарғиботида фолклор-этнографик ансамблларнинг ўрни катта, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мурабийси, профессор Саодат Йўлдошева. — Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда фолклор-этнографик ансамбл филолини кенг

қулоч ёзди. Ҳозир нафақат маданият ва санъат даргоҳларида, балки олий ўқув юртрали, касб-хунар коллежлари ва мактабгача таълим муассасаларида ҳам фолклор жомоалари фаолият олиб бормоқда. Она алласи бешиқдан бошланганидек, фарзандларимизнинг маънавий камолоти, халқ ижодий меросига бўлган мўҳаббати боғчадан бошланади. Ана шу пайтдаоқ улар қалбига маънавият, қадрият, мерос, аънаба каби тушунчаларни сингдира оласа, маънаван ўтқазилган, баркамол авлодни тарбиялашга ҳисса қўшган бўламан.

Тадбир давомида таниқли санъаткорлар ҳамда фолклор-этнографик ансамбллар иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Айниқса, Янгиўл тумани "Қалдирғоч" цирк жамоаси томошалари, шунингдек, Тошкентнинг "Нодирабеғим" фолклор ансамбли чиқишлари даврага ўзгача кайфият бахш этди. Ёш ижрочилар халқ кўшиқларию термаларини зўр иштиёқ билан ижро этиб, фолклор санъатига қизиқиш навақирон авлод вакиллари орасида ҳам ортиб бораётганини намойиш этдилар. Бу борада Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти қошида тузилган "Чашма" фолклор ансамблининг фаолияти алоҳида эътиборга лойиқ. Тадбирда ансамбл аъзолари "Сурхондарё кўшиғи"ни ижро этиб, муҳлислар олқишига сазовор бўлишди.

— Жамоамиз асосан турли вилоятлардан ташриф буорган ёшлардан ташкил толган, — дейди ансамбл аъзоси Лазиз Наврўзов. — Унутулиб бораётган қадриятларимиз, урф-одатларимизни тиклаш, уларни келгуси авлод вақилларига ётказиб беришдек хайрли ишга ўз хиссамизга қўшаётганимиздан мамнунми. Айни пайтда Қашқадарь-Сурхондарё, Тошкент-Фарғона, Бухоро-Самарқанд ижро йўналишлари бўйича иш олиб бораёмиз. Институти битиргач хар биримиз вилоятларда фолклор-этнографик ансамбл ташкил этиш ниятидамиз.

Шунингдек, анжуман доирасида халқ амалий санъати усталарининг ижодий ишлари кўрғазмаси ҳам ташкил этилди. Миллий хунармандчиликнинг ноёб намуналарини ўзида жамлаган мазкур кўрғазмадан моҳир усталарнинг муаллифлик ишлари ҳам ўрин олди. Томошабинлар кўрғазмага қўйилган асарларни кузатиб, узоқ йиллик тарихга эга ўзбек хунармандчилиги мактаби барҳайтигига амин бўлишди.

Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ

ЗАМОНАВИЙ ХОНАНДАЛИК ТАЪЛИМИ

ундаги муштарак илмий-ижодий мезонлар

бўлади. Кўнгилга яқин, қадри баланд, ширадор ва маҳоратли овозларда мумтоз асарлар янграганида бундай баҳрамандлик ҳисси минг чандон ошади. Шуниси ҳам борки, бундай хузурулини учун тингловчи ҳам маълум даражада мусикий саводхон бўлиши зарур. Мумтоз соҳада нафақат муайян ҳолатга тушиш, балки асар "мағзи"ни қақишни уддасидан чиқиш, бунинг учун баъзан олдиндан тайёргарлик кўриш тақозо этилиши сир эмас.

Аммо соф мусикий хусусиятлар доим ҳам бир хил кўринишда бўлмагани сабабли ижрочининг ихтисослиги маънавий истеъдоди ва малакаси кўп нарсани ҳал қилиши мумкин. Бу ҳолат ижронинг энг оддийси бўлиб кўринган кўшиқдан тортиб, хийла мураккаброқ ашула ёки романс, мумтоз мақом санъати ва синтетик санъат бўлмиш операга ҳам тегишли.

Хонандалик йўналишида асосий ўрин тутган кўшиқчиликнинг турлари бугунги кунда анча кўпайган. Тўғриси, англис, кўнгилочар йўллари айниқса кенгрок тарқалиб, оммавийлашиб бормоқда. Янги ахборот технологиялари воситалари ёрдамида, интернет тармоқлари орқали дунё "кезаётган" маза-матрасиз, савиясиз куй-кўшиқлар, айниқса, ёшлар орасида машҳур бўлиб, уларнинг дунёқарашига, маънавиятига таъсир кўрсатмоқда.

Бу ўринда, бизнингча, барча куйлаш турларини жанри ва шакли, услуби ва ижро хусусиятлари билан ўзаро боғлиқ тарзда идрок этиш фойдадан холи эмас. Шу нуқтаи назардан, замонавий хонандаликнинг нисбатан мустақил кўринишларини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ. Кузатишларимиздан маълум бўлдики, ҳозирги кунда хонандаликнинг миллий-маҳаллий мусиқа фолклори, сахна учун мўлжалланган фолклорнамо томошалар, миллий маънавий мерос, эски ва янги бастакорлик ижоди, композицияликка оид академик мусиқа, хаваскорлик (муаллифлик) кўшиқчилиги, кўнгилочар эстрада мусиқаси каби турлари мавжуд.

Лекин юқорида айтганимиздек, мусикий савияси паст бўлган, ижро бисоти кўр-кўрона тақлиддан иборат гурўхларнинг кўпайиши кўзга ташланади. Бун-

қўллаб-қувватлаш, ижобий ўзгаришларнинг энг таъсирчан воситалардан бўлиб қолаверади. Истаимизми-йўқми, бозор иқтисодиёти шарт-шароитларида мумтоз мусиқа таълими, хусусан вокал айниқса, кучли муҳофазга муҳтож.

Қадимдан Шарқда ҳам, Фарбда ҳам моҳирликда беназир хонандалар куйлаш санъатининг чўққиларини забт этолганлар. Боиси, устозлар кўп машқ ва амалий синовлар ёрдамида катта тажриба орттириб, авлодларга хайратланарли ижодий натижаларга эришиш йўллари очганлар. Ана шу йўсинда овозни касбий жиҳатдан тарбиялаш учун пухта меъёрлар ишлаб чиқилган. Фақат иккала минтақанинг туб фарқи шунда кўринадик, Шарқда оғзаси аънабадаги устоз-шогирдлик мактаблари ўз кучини сақлаб, мумтоз меросни бойитишга сарфарб этилди. Фарбда эса ёзма услубий андозалар маъқул қўрилган.

Шарқ билан Фарб халқлари мумтоз мусиқа санъати мисоли "хитой девори" билан ажратилган замонлар ўтмишида қолди хонандаларнинг ҳозирги замон касбий тарбиясида хар икки аънабани меъёрини сақлаган ҳолда мувофиқлаштириш, бир-бирининг ютуқларидан кенгрок фойдаланиш имконлари очилди. Зеро, ёқимли ва ширадор, кучли ва баланд овоз соҳибларига бўлган эҳтиёж дунё бўйлаб бениҳос ошган. Ўзбек мақом ижрочилигида ҳам, миллий опера сахнасида ҳам худди шундай эҳтиёж мавжуд. Чунки иқтидорли болалар овозини сунистеъмоқ қилиш, айниқса, раста пайтида овозни эҳтиёт қилмаслик, овоз тарбиясидаги хатолликлар, овозни нотабий шакллантириш, ўргатиш пайтида овозни меъёрдан ортқ ишлатиш, яъни зўриктириш, узил-кесил пишиб етилмасдан туриб овозга қийинчилик ва мураккабликларни кўп юклаш каби ҳолатлар учраб турибди. Бундай ҳолатларга барҳам бериш ва асосан устозлар таълимига таяниш камчиликларни бар-тароф этишининг муҳим омилдир.

Устозлик ва илмий-услубий фаолиятда катта тажриба орттирган мутахассислар "Овоз машқлари"ни тузиб, ўқув-услубий тавсияларни тақдим этишган. Улар биринчи галда "...товушнинг тўғри талаффузи, оҳангдорлиги ва нафис

тунлай бегона эмас. У 2007 йили Майкл Уинтерботтомнинг "Унинг юраги" фильми продюсери сифатида иштирок этди. Суратга олиш жараёнида актёр Хиндистонга ташриф буюриб, Амитабх Баччан, Шоҳруҳон, Айшвария Рай сингари Болливуд юлдузлари билан танишиш имконига эга бўлди. Бордью Б.Питт Болливуд киностудиялари билан шартнома тузишга эришса, у ҳолда Голливуднинг бошқа кўнгила машҳур актёрлари ҳам Хиндистонга йўл олиши мумкин.

Лойиҳа муаллифларининг таъкидлашича, янги филм аввалги талқинлардан бутунлай фарқ қилиб, эртак воқеалари бугунги кунга кўчирилади. Бундан ташқари, филмга янги қаҳрамонларни киритиш ҳам режалаштирилган. Сериалда иштирок этувчи актёрлар жамоаси хали тасдиқланмаган бўлса-да, картина устидаги ижодий изланишлар аллақачон бошланган. Филм ҳомиёси "The CW" каналнинг маълумот беришича, суратга олиш ишлари 2013 баҳор ойида бошланиши керак.



ЭНГ МАШҲУР ЭСТРАДА ХОНАНДАСИ

Дунёга машҳур "The Beatles" ансамблининг аъзоси, ўз кўшиқлари билан кўллаб муҳлислар кўнглидан жой олишга эришган Жон Леннон сўнги олтмиш йилликнинг энг таниқли эстрада хонандаси сифатида тан олинди.

Британиянинг "New Musical Express" журнали ўтказган оммавий сўровда мусиқа санъати тарихида чўқур из қолдирган олтидан ортқ ижодкорлар иштирок этган бўлиб, уларнинг катта қисмини англис хонандалари ташкил қилди. Эътиборли жиҳати, муҳлисларнинг деярли барчаси бир овоздан Жон Леннон номзодини эътироф этишди.

Сўров натижаларига кўра, иккинчи ўрин "Oasis" гурўхининг собиқ иштирокчиси Лиам Галлахерга насиб этди. Муҳлислар хонандани XX аср-

нинг энг яхши вокал устаси сифатида тан олишди. Учинчи ўринни эса моҳир рок ижрочиларидан бири Дэвид Боуи эгаллади.

БРЕД ПИТТ ВА БОЛЛИВУД

Машҳур Голливуд актёри Бред Питт энди Болливудни ҳам забт этмоқчи. "The Hollywood Reporter" нашрининг хабар беришича, ижодкор айни пайтда ҳинд киностудиялари билан музокаралар олиб бормоқда. Ҳозирча бу борада аниқ бир хулосага келинмаган бўлса-да, актёр ўз ниятидан қайтмоқчи эмас.

Бирок муҳлислар Б.Питтнинг ҳинд киносида муваффақият қозонишига шубҳа билан қарамоқда. Уларнинг фикрича, актёр Осиев халқлари маданияти, жумладан, ҳинд филмларида кенг фойдаланилувчи миллий рақс турларидан деярли беҳабар. Тўғри, ҳинд киноси Б.Питт учун бу-

АЛИСА МЎЪЖИЗАЛАР МАМЛАКАТИГА ҚАЙТМОҚДА

Машҳур англис ёзувчиси Льюис Керролиннинг "Алиса мўъжизалар мамлакатига" номли эртагига қизиқиш тобора ортиб бораётди. Бу борада, айниқса, кино ижодкорлари фаол эканини таъкидлаш лозим. Муҳлисларнинг хабари бор, мазкур эртак асосида бир қанча бадиий филмлар яратилган. Жумладан, 2010 йили Тим Бертон режиссёрлигида суратга олинган картина жаҳоннинг кўллаб мамлакатларида намойиш этилиб, катта шов-шувга сабаб бўлди. Эндиликда, америкалик ижодкорлар "Алиса мўъжизалар мамлакатига" эртаги асосида кўп қисмли сериал суратга олишмоқчи.

Бошланиши биринчи саҳифада

— Шаҳрингизда навбатдаги фестивал ҳам юқори савияда ўтмоқда, — деди меҳмон. — Намойиш этилаётган спектакллар орасида бадиий ётуқ ва пухта сахна асарларнинг борлиги мени, айниқса, қувонтирди. Марказий Осиевда театр санъати жадаллик билан ривожланиб бораётганини юртингиз мисолида кўриб турибман. Аслида бу каби фестиваллар нафақат санъат шодиёнаси, балки дўстлик, биродарлик байрамига ҳам айлиниб кетади. Чунки санъат воситасида турли миллатлар бир-бирини яқиндан таниш имкониятига эга бўлишади. Фестивал олдига қўйилган вази-фалар кўп, аммо мақсад битта: театр санъатини ривожлантириш ва унинг эртанги истикболини белгилаш. Иштирокчи давлатларнинг барчаси ана шу мақсад йўлида ҳаракат қилмоқда.

Ийгилганлар эътиборига Германия ва Ўзбекистон театр ижодкорларининг қўшма лойиҳаси — "Бизнинг арфона" спектакли ҳам ҳавола этилди. Фестивал дастуридан ўрин олган Ўзбекистонда "Исроил театри кўнлари" доира-сида Рус академик драма теат-

рида исроиллик таниқли театр-шунос Елена Тартаковская билан учрашув бўлди. Тажрибали мустахассис "Исроил театри: кеча, бугун, эртага", номли маъруза-сида Исроил театрининг тарихи, ривожланиш босқичлари ва истикболдаги режалари ҳақида ат-рофича маълумот берди. Сўнгра

ХАЛҚАРО ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ

намойиш этилган "Реквием" (Х. Левин) спектакли ушбу мамлакат театр санъати ҳақида тўлароқ та-саввур ҳосил қилиш имконияти-ни берди. Шунингдек, Камолид-дин Беҳзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институти-да германиялик расом Луц Хоф-ман ва Ўзбекистон Ёшлар теат-рида Грециядан ташриф буорган сахна ҳаракати ва жанг маҳора-ти артисти Геннадий Пачис иш-тирокида маҳорат дарслари бўлиб ўтди.

Шу кунгача фестивалга тақдим этилган "Аёл", "Халоллик истаб келдим", "Африка гўзали", "Кенг қаровли" "Шум бола", "Хўжа Насриддиннинг беш хотини", "Ромео ва Жульетта" каби спек-

тақлар томошабинлар ва мутахассислар ҳўқмига ҳавола этилди.

Бугун "Дийдор" театр-студия-сида таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев иштирокида маҳорат дарслари ўтказилиб, "Нодирабе-ғим" спектакли томошабинлар ҳўқмига ҳавола этилади. Шунинг-дек, Сирдарё вилоят театрининг "Ойдинда юрган одамлар" Санъат ва маданият институтида сахналантирилган "Искандар", "Садоқат", Фарғона вилоят театри-нинг "Меҳмонхона бекаси", Ўзбекистон Рус академик


драма театрининг "Сен билан ва сенсиз" спектакллари намойи-ши ҳам қутилимоқда. Эртанги кун дастурида Лондон Кирослик те-атри режиссёри Керри Майкл иштирокида маҳорат дарслари ўтади, Ўзбекистон-Тожикистон қўшма лойиҳаси — "Хўжа Насрид-диннинг беш хотини", Қашқадарё вилоят театрининг "Бомбингн орузи", Болгария драматик те-атрининг "Картон қутиларидаги ҳаёт" спектакллари кўрсатилади. Фестивалининг сўнги кунда за-монавий театр санъати масала-лари бўйича илмий-амалий ан-жуман ўтказиш белгиланган.

Ш. АБДУРАСУЛОВ, Л. КОБИЛОВА



ИСЛОМ САНЪАТИ ПУВРАДА

Парижнинг Лувр музейида ислом санъатига бағишланган янги бўлим иш бошлади. Италиялик таниқли меъмор Марио Беллини лойиҳаси асосида қурилган ушбу кўрғазма май-донининг умумий катталиги беш минг квадрат метрдан иборат бўлиб, му-



зей ҳодимларининг айтишича, бу Европадаги энг катта экспозициялардан биридир.

Айни пайтда бўлимда ўн саккиз мингдан ортқ ноёб экспонатлар жамланган. Бу ерда томошабинлар ислом санъатининг қарийб ўн икки асрлик тарихи билан танишиш имконига эга. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, экспозициядан ўрин олган санъат асарларининг аксарияти илк бор намойиш этилмоқда. Улар орасида VII-VIII асрларга оид заргарлик буюмлари, аббосийлар даврида фойдаланилган қурол-воялар, декоратив безак намуналарини ҳам учратиш мумкин. Шунингдек, кўрғазмадан Испания ва Хиндистон худудида топилган нодр санъат буюмлари, рангтасвир намуналари ҳам жой олган.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди

Шаҳарликлар кичик ҳовлининг бўш сажинини обод қилишнинг ҳадисини олишган: биров кўчат қадаб мева етиштиради, бошқа биров гулу райхон экиб завқланади. Кафтдек жойга помидору бўлгори қалампир эканлар ҳам йўқ эмас...

Пойтахтнинг Юнусобод туманида яшовчи Аҳмад оға Бараев эса, икки йил-дирки, ҳовлисига чигит экиб тажриба ўтказди. Бир куни у "Бизникига бирров кирсангиз, баъзи нарсалар экканман, кўрасиз", деб қолди. Кирдим-у, ҳайратим ошди: беш-олти пуштада гўза барқ уриб ўсиб, кўсақлари очилиб ётибди. Пушталар орасида ер бағирлаб ловия ўсган, яна бир ёнда бўйи икки метрдан зиёд мажмуҳи...

Ҳаётда галати ишлар қилиб кўпчиликини ҳайрон қолдирадиган одамлар учраб туради. Бир пайтлар Курбака фамилияли фаройиб бир одам шаҳар касалхоналарига полихлорвинилдан тайёрланган катетер ва бошқа кичик, лекин гоят зарур ашёлар етказиб тургани ҳақида ўқигандим. Ёхуд ўн тўққиз ёшида автомобил фалокатига учраб чап оёғи эзилиб кетган Жанубий Куриялик Рональд Хонгни олинг. У бир оёғи ясамалигини унутиб, йўлида учраган хар бир ожиз, но-чор, ногирон одамга ёрдам қўлини чўзишга ўзини бурчдор ҳисоблай бошлади. Шу мақсадни рўёбга чиқариш учун ортопедияни ўрганган, замонавий зўр протезлар ясашни йўлга қўяди...

Тўксон бир ёшли Аҳмад ака Бараевнинг кафтдек ҳовлисига пахта ўстириб тажриба ўтказётгани ҳам менга ана шундай эл-юрт учун фидойи жонқуяр инсонларни эслатди. Ҳўзаларининг бўйи унинг ўн беш яшар невараси Маратнинг бўйи барабар, шигил кўсақ тугиб, очилиб ётибди. Пушталар орасидаги ўроққа тайёр ловиянинг ҳосил шодаси бир қаричка келади, донаси йирик, мағизли. — Бу навининг уруғини Олой бўзоридаги таниш сотувчидан топдим. У пушталар орасига экилса, илдизи намни тартиб, барглари ҳаводан биологик ўғит ҳосил қилади ва гўзанинг ўсишини тезлатади, дони тўйимли, барги молга

эмиш", дейди кекса агроном.

Сочлари қордек оппоқ Аҳмад аканинг жуссаси кичрайиб, мункайиброқ қолган эса-да, ҳаракатлари те-тик, қарашлари тийрак, қуввайи ҳофизаси кучли, кўз ойнакиси газета, китоб ўқийди, кўплаб туркий тилларда бемалол гаплашади. Кўнгли чопган одам билан очилиб сўхбатлашади. Унинг тақдирини ҳам фаройиб...

АХМАД ОҒА

иб. Отаси Уфа ва Қозонда таҳсил олган зиёли киши бўлган. Озарбойжонда "на-закотли қизлар пансионат"ида сабоқ берган. Ўқувчиларидан бири — 1-гилдия савдогарининг қизи уни қаттиқ севиб қолади. Қиз бой отаси уни оддий муаллимга бермаслигини ҳис этиб, кечаси сирдош дугонаси ёрдамида қалъа деворидан ошиб тушади. Улар дарҳол фойтун ёллаб портга келишади ва Касбий денгизи орқали Красноводска, ундан поездда Қизил Арватта йўл олишади. "Отам муаллимлик қилган, — деб ҳикоя қилади Аҳмад оға. — Биринчи ўғли вафот этган, ўзи малярияга чалинади. Шифокорлар куруқроқ жойда яшашни маслаҳат берган, Тажанга келишади. Мен шу шаҳарда туғилган эканман. Отам "Тўқмоқ" журналида техник ходим, таржимон бўлиб ишлаган, Пуштиннинг "Капитан қизи" романини, бошқа асарларни туркман тилига ўғирган. Абдулла Ярадангули тахаллуси билан қисса, ҳикоя, очерклар ёзади. 1928 йили вафот этганда хотирасига бағишланган некрологга кейинча-

лик таниқли адиб бўлиб етишган Берди Кербобоев ҳам имзо чеккан экан".

Аҳмад Ашхободда ўрта мактабни, кейин рабфани битириб, қишлоқ хўжалиги институти ўқийди. Кейин ҳоласини кўрган Чинозага келади. Унинг маслаҳати билан шу ерда қолади ва заводда ишлади. Сўнг Сирдарёда агрономлик қилиб, ўқшини Тошкентга кўчиради. Шу-шу Мирзачўлда яшаб, ишлаб қолади.

Фаройиб одамлар

— Шапалоқдек ерда гўза ва бошқа экинлар ўстираётганимга ҳайрон бўлманг, — дейди у. — Ярим асрдан ортиқ агрономлик қилиб, деҳқончилик билан шуғулландим, Мирзачўлда пахтачилик, шолчилик хўжалиқларини бошқарганман, қайси вазифага қўйишса сидқидилдан виждонан ишладим. Ўтган асрнинг олтинчи йиллари Африканинг уч мамлакатига бўлиб, тажриба станцияси, хўжалиқлар ташкил этишда қатнашганман. Турли йилларда хўжалиқларда директор, раис бўлиб ишладим. Кимё ташкилотига раҳбарлик ҳам қилдим. Ҳўзани сўғориш техникасига оид мавзуда номзодлик диссертацияси ёқлаганман. Чўлга ўрганиб қолгандим, қолардим-у, бироқ аёлим қаттиқ касал бўлди, қаратиш учун шаҳарга келдим...

Мулоқот қилганим сари Аҳмад оғани кўпроқ тушуна бошладим.

— Мустақилликка эришиб айни ишлайдиган вақтга етганда нафақага чиққанга афсус чекаманд-да. Кўп ўзгаришлар бўлди: фермер хўжалиқлари тузилди, фойдасидан зарари кўп кимёвий до-риларни ишлатишга чек қўйилди. Минерал ўғитлардан фойдаланиш тартибга со-

линди, янги навлар пайдо бўлди. Телевизор кўриб матбуотни қузатиб тураман: кўп яхши ишлар бўляпти, қишлоқлар обод бўлиб борапти. Айни чоғда ерлар хориб қолаётгани, алмашлаб экиш унутилаётгани, бир майдондан икки ҳосил олишга, сувни тежашга эътибор қамлиги мута-хассис сифатида мени ташвишлантиради. Қариган чоғимда ҳовлимда тажриба ўтказётганим боиси ҳам шунда. Вазирлар Маҳкамасининг бир йиғилишида Президентимиз бир ердан икки-уч ҳосил олишни йўлга қўйиш ҳақида гапирган эди. Шу боис ҳовлимдаги йиғирма олти квадрат метр жойга "Наманган-77" наф гўза чигитини кўп қаторлаб эқдим. Пушта ораларига тезпишар ловия уруғи қададим. Уруғ эқилганидан то ловияни йиғиб олгунга қадар ўтган икки ой ичда гектар ҳисобига 15,5 центнер дон, 200 центнер поя олинди. Ҳам дон, ҳам озиқ. Ловия гўзанинг ўсишига ҳалақит бермайди, аксинча кўмаклашади, беда каби, ду-ккакли экинлар ҳам ҳаводан азот олиб ерга берадиган, биологик ўғит ҳосил қиладиган ўзига хос мини-завод. Ҳовлимдаги гўза 8-10 тадан бўлиқ кўсақ туғди. Энг муҳими, бир майдондан, сувни кам сарфлаган ҳолда икки ҳосил олиш имко-ни пайдо бўлди.

Албатта, менинг бу изланишим ишчи-бозлик, ҳолос. Оллоҳга шукр, табаррук ёшданман, кучим етганича эл-юрт хизмати бўлдим. Ўзимни кўрсатиш, бирор манфаат илнжиде тажриба ўтказётганим йўқ. Олти ўғлим, бир қизим бор, на-бир-я-чавараларим кўп. Икки ўғлим про-фессор, бири фан номзоиди. Бошқаларини ҳам касби ерга, тупроққа дахлдор. Ҳеч нарсадан камчилигим йўқ.

Томчилар йиғилиб жилга ҳосил бўлади. Кичик тажриба катта тажриба-нинг ҳамиртуруши. Мусликка номли бугдой навини илк бор оддий ўзбек аёли, Юсупов помидорини оддий ҳосилот етиштирганини эслайлик. Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Дилором Ерматова юртимиз шароитида зайтун етиштириш бўйича илк тажриба бошлаганда айрим ҳамкасблари унинг амалий ишини ҳаёла-растликка йўйишганди. Лекин олимпиада тажрибаларини қатъият билан давом эттирди, китоблар чиқарди, шо-ғирдлар етиштирди. Бугунги кунда юр-тимиз вилоятларида ёш зайтунзорлар вужудга келган, олиманинг ҳузурига маслаҳат сўраб келувчилар кўп.

Умрини зироатчиликка бағишлаган Аҳмад оғанинг юрагида ҳам шундай тоза ниятлар бор.

Сайди УМИРОВ



Дафтарларда қолган сатрлар

ЁРУҒ СЎЗ

Фармон Худойбердиев шоврлик ва шеърятнинг ҳақиқий волаин шайдоси эди. Баракаан умри давомида ундан эл қорига ярайдиган ўнла-қизилар, яхши шеърлар ва дostonлар қолди. У бир фарзанд ва шовр сифатида Ватан истиқлолини кўрди, чин дилдан қўйлади, фахрланди. Яхшидан бон қолди деганлариди, Фармон аканинг фарандлари бутун яхши оналарнинг эгаси. Ватанимиз равнақи йўлида эзгу ишларга ҳаминша камарбаста. Шеърларидан эса ўқувчи-лар баҳраманд. Шундай ёруғ из ва ёруғ сўзлар ҳар кимдан ҳам қолсин деймиз.

ОЛТИН МЕРОСИМ

Тонгда қуйлагувчи булбулман, Ватан, Ўзимнинг овозим, янроқ сазим бор. Олтин қанот бердинг, дулдудман, Ватан, Қалбимнинг тубида ўгли розим бор.

Ошиқ-маъшук дилин ром этсин куйим, Шеърин даста туттум лола қизларга. Бийрон қилч тўлган ром этсин куйим, Сонсиз дoston биттум нола қизларга.

Куйимдан завқ олсин улкан қоялар, Солланиб тишласин улдувор тоғлар. Куйимда акс этар эзгу гоғлар, Тарих бўлиб қолсин бу гўзал чоғлар.

Ўзбек қўшиқларин куйга соламан, Ўзбекистон шаънин жўшиб куйлайман. Олтин меросимдан нафас оламан, Вужудим, борлигим қўшиб куйлайман.



КЎХИНУР, ЎЗБЕКИСТОН

Шовр Бобур қуйлади, Дардларидан сўйлади, Андижонин уйлади, Кўхинур, Ўзбекистон.

Юртин кўсаб ўтганди, Қўлда қалам тутганди, Шоҳ асарлар битганди, Кўхинур, Ўзбекистон.

Кўзга суртди тупроғини, Кўсар супра-ўқюғини, Тилмади кўпроғини, Кўхинур, Ўзбекистон.

Шовр Бобур ҳаёт-ку, Кўнглиларда баёт-ку, Оруларга қанот-ку, Кўхинур, Ўзбекистон.

Булбул Бобур тирик-ку, Халқ кўнглида кўприк-ку, Эл кўнглида кўприк-ку, Кўхинур, Ўзбекистон.

ТўРТЛИКЛАР

Чан кўксим кўёни олмос юрагим, Кўксим муштлаб турар тоғларим. Ора йўлда тўхтаб қолмас юрагим, Камолни гўсага солмас юрагим.

Истиклол тонгида очдим кўзимни, Юлдузлар сафида кўрдим ўзимни. Булдулар чекиди, мусалфо осмон, Хурлик ёғдусига қайдим юзимни.

Она Ўзбекистон, гавҳар Ватаним, Черкўб ўлкаман, жавҳар Ватаним. Чўкўб тупроғини айладим тумор, Кипритим кўзинга навкар, Ватаним.

Бир бора ашайим фаний дунёда, Умримиз пинқириб оқар дарёда. Буюк халқ қалбига дурлар сочайлик, Ўзбекистон бахти бўлсин зиёда.

Фармон ХУДОЙБЕРДИЕВ

ХИТОЙ МАНЗАРАЛАРИ

Бадий академиянинг кўргазмалар залида Хитой расомларининг кўргазмаси очилди. Кўргазмада миллий аъналарнинг давом эттириб келаётган хитойлик расомлар ижод намуналари намойиш этилмоқда.

Экспозициядаги асарларда асосан табиатга, она Ватанга меҳр-муҳаббат чуқур ифода этилган. Томошабинларга завқ ва сокинлик бағишлайдиган манзараларда бор-йўғи иккинчи хил рангдан фойдаланилган.



С.КОСИМОВА

Ўзбекистон халқ расоми Жавлон Умарбеков кўргазма ҳақида шундай деди:

— Ўзбекистон тасвирий санъатида миниатюра энг қадимий ва миллий санъат ҳисобланса, Хитой тасвирий санъатида Го-хуа йўналиши худди шундай қадрланади. Бу асарлар ҳам гуашига ўхшаган бўёқда ишланган. Биринчи чизилганда ёйилиб кетадиган бу бўёқ иккинчи, учинчи чизишда қотиб қолади. Биз ўзбекистонлик расомлар ҳам Шанхай, Харбин, Пекин шаҳарларда бўлганимизда хитойлик расомлар билан ўзаро мулоқотда бўлганмиз. Бир-биримизга миллий рангтаъбир санъатимизнинг ўзига хос техникасини ўргатиб, маҳоратимизни оширганмиз. Кўргазма Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланади.

Кўргазма залларида

Козим Ўлмасов олган сурат.



Х.АБДУРАҲМОНОВА

ЮРТ ОШИҒИ

Пойтахтимиздаги халқроқ маданият карвонсаройида Валерий Кузнецовнинг юртимиз табиати тараннум этилган рангтаъбир асарлари кўргазмаси очилди. Расомнинг "Тунги манзара", "Анхор", "Чорвоқда тон", "Тонг ёришиши", "Чақмоқдан кейинги кўёш шуъласи" каби асарлари муҳлислар эътиборини жалб этмоқда.

— Ушбу кўргазмадан асосий мақсадим табиат гўзалликларини ранглар жилоси орқали томошабинга кўрсатишдир, — деди расом. — Она табиат манзаралари акс эттириш мен учун ҳам завқли, ҳам масъулиятли. Чунки аниқлик билан бадийлик ва фантазияни уйғунлаштириш анча мураккаб жараён. Кўп жойларни кезган бўлсам-да, Ўзбекистон табиатидек гўзал ва мафтункор манзараларини бошқа ҳеч ерда учратмадим.

Тўғри овқатланиш муҳими ёхуд жисмоний тарбия?

Таомшунос ва парҳезшunos мутахассислар жисмоний тарбиянинг аҳамияти тўғри овқатланишдан кам эмас, деб ҳисоблашади. Бироқ сўнгги пайтда улар қатъий равишда: "Ҳаммаси овқатланиш маданиятига боғлиқ", дейишмоқда ва бунга кўплаб далиллар келтиришмоқда. Спорт залларида жисмоний тарбия, югуриш билан шуғулланиб, озишга уринган кишиларнинг саломатлигини тадқиқ этган олимлар шундай хулосага келишди: мунтазам машқлардан сўнг вазн камая бошлайди, бироқ кўп ўтмай стагнация руй беради, яъни жисмоний машқлар тананинг шаклини яхшилаб, вазнга кам таъсир кўрсатади. Ҳўш, бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин? Нью-жерсиклик математик Д. Томас энергиянинг сарфланшига доир тадқиқот олиб бориб, буни қуйидагича изоҳлади: жисмоний машқлардан сўнг хордик чиқараётган одамнинг ҳам, камон ва ёй ёрдамида қўш ва жонворларни отиб, катта куч сарфлаб, ўзига егулик топувчи танзаниялик ҳадзаларнинг организми ҳам (овдан сўнг) калория сарфини тор-моэлаб, энергияни захирага қолдира бошлайди. Яъни одамнинг яшаш тарзи энергия сарфига мутлақо таъсир кўрсатмас экан. Негаки, барча одамлар бир кеча-кундуз мобайнида тахминан бир хил энергия сарфлайди. Бу азалий механизм тош даврида одамлар егулик тополмай, узоқ мудат қ юрган вақтларда ҳам оқлик-ка чидашига, уни енгизишга ёрдам берган.

Соғланг — бойланг...

Бундан шундай хулоса келиб чиқади: танзаниялик ҳадзалар каби кам ва сифатли овқатланиш зарур. Яъни ҳадзалар фақат табиий неъматлар (асал, гўшт, илдиз ва туганаклар, қулупнай ва маймунжон каби резавор ҳамда хўл мевалар, баобаба каби тропик мевалар, ун ва ёрмалар, бошқа таомлар)ни истеъмол қилишади. Бу неъматлар ривожланган мамлакатлардаги каби қайта ишланган, пуч ва зарарли калорияга бой таомлардан мутлақо холи. Агар бундай таомларни ҳадзалар истеъмол қилишса улар ҳам, албатта, хомсемиз бўлишарди. Тасаввур қилинг: икки киши озиш учун бир вақтинг ўзида бир хил калориялик фақат билан қанотланиб парҳез тутишди. Улардан кимдир супермаркетдан қайта ишланган маҳсулотлар харид қилган бўлса, ўша одам, албатта, ютқазди. Сабаби, бундай маҳсулотларнинг углевод ва липидлари организмга тез сингади ва тери ости ёғларига айланади.

ҚОВОҚЧА

Тиббиётшunos олимлар шу чоққа сабзи, лавлаги, помидор ва карам сингари табиат неъматларининг саломатликка фойдасини жиддий ўрганган бўлишса-да, бироқ қовоқча (кабачки) эътибордан четда эди. Шуниси қизиқки, шакли ва ранги хар хил бўлган бу неъматлар битта биологик тур — пўстлоғи қалин ошқовоқ турига мансуб экан. Оддий ошқовоқ, қийишқўйин крукек (бизда камёб) ҳам ана шу турга киради. Қовоқчанинг хосиятларини ўрганётган олимлар унинг таркибида кўп миқдорда каротиноидлар мавжудлигини аниқлашди. Улар ичидеги энг машҳур бета-каротин "А" дармондориси ўтмишдоши бўлиб, сабзи таркибида ҳам бор. Қовоқчадаги лютеин ва зеаксантин эса, кўзимизнинг асосий химоячиси бўлиб, бу моддалар бошқа неъматларда деярли учрамайди.

Тадқиқотларда лютеин ва зеаксантиннинг катаракта (кўз гавхарининг хира тортиши)га ҳамда кўзда ёш билан боғлиқ макуллар дегенерация ривожланишига тўсқинлик қилиши ўз исботини топган. Қовоқча таркибида жуда кўп бўлган пектин эса, саратон ривожланишига тўсқинлик қилади ва холестеринни камайтиради. Бироқ бу пектин алоҳида хусусиятга эга бўлиб, 2-тип диабетдан химояланишда кўл келади. Умуман, қовоқча бу хасталикка қарши тура оладиган кўплаб бирикмалар мажмуи ҳамда "В" гуруҳидаги дармондорилар, холин ва рух моддаларига бой. Бу моддалар вази-ни меъёрида сақлаш учун жуда зарур.

Меъёрида пишиб етилган нафис пўстили қовоқчалар ичидеги уруғлар пўсти билан бирга истеъмол қилинса, янада фойдали. Қовоқча пўсти антиоксидантлар захирасидир. Уруғи эса, ёғли кислота — "Омега-3" га жуда бой бўлиб, бу модда кўпчиликда доимий равишда етишмайди. Қовоқча таркибидеги барча фойдали моддаларни сақлаган ҳолда истеъмол учун тайёрлашнинг энг яхши усули уни күнчи оловда қўзғаб туриб қовуришдир. Янги узилган майда қовоқчаларни эса бугда димлаш ёки қайноқ сувга солиб олиш ёхуд хомлай истеъмол қилиш, майдалаб тўғраб салатларга қўйиш тасвия этилади.

БАҚЛАЖОН

Бақлажон шаклига кўра қовоқчага ўхшаса-да, бу маҳсулот бошқа турга мансуб. У помидор, картошка, булғор қалампир турига киради. XVII асргача, яъни истеъмол қилинадиган бақлажон навлари яратилгунга қадар, бу неъматга ўтмишдошларидан ўтган аччиқ таъм хос бўлган. Шу боис унга зарарли, ҳатто саратонни кўзгайтири, ақлдан оздиради, моховга дучор этади, деб қарашган. Кўк тусдаги бақлажон ҳам уларнинг ёввойи ҳолда ўсувчи навлари каби жуда кам ўрганилган. Бироқ эндиликда кўк бақлажондаги ўзига хос ранг антоцианин — фойдали ва жуда қучли антиоксидантлик белгиси эканлиги маълум бўлди. Бу моддалар бизни юз хил хасталик ва яна қартайишдан ҳам сақлайди. Бошқа неъматларда кам учрайдиган, яъни бақлажон таркибидеги асосий модда — бу насунин бўлиб, у, энг аввало, темирнинг организмга беэиён сингитини таъминлайди. Маълумки, қон ҳосил бўлишида муҳим роль ўйнайдиган темир моддаси организмга сингитиш жараёнида ўзидаги агрессив хусусиятларни намоён этади, барча аъзоларга кислотага хос таъсир ўтказувчи хавфли радикаллар ҳосил қилади. Бунинг оқибатида ҳатто саратон хасталиги, биринчи навбатда, меъда саратони пайдо бўлиши мумкин. Бақлажондаги насунин эса, образли қилиб айтганда, темирни ўз бағрига олиб, уни момиққа айлантиради. Натижада темир моддаси таом ҳазм бўлиш трактида зиёвсиз сўрилади. Бундан ташқари, бақлажон таркибида турли фенол моддалари ҳам бисёр. Улар барча антиоксидантлар каби зарарли эркин радикалларни нейтраллаштириб, организм саломатлигини мустаҳкамлайди. Энг муҳими, улар ноёб хлороген кислотасига жуда бой. Маълум бўлишча, бу кислота қон томирлар учун ниҳоятда фойдали, холестеринни камайтириб, саратоннинг кўпгина турлари ривожланишига тўсқинлик қиларкан.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қовоқча ва бақлажонга саримсоқ, помидор, сабзи ва пиёз қўшган ҳолда ўзига хос "коктейль"га ўхшаш салат тайёрланганда, дастурхонингизни энг фойдали ва парҳезоб таом билан бойитган бўласиз.

"АиФ"нинг 33-, 35-сонларидан.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati
Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз: uzas@b2c.uz
Котибият — 233-49-93

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.28

ЖУМА КУНАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН
ISSN 2161-614X
7 722 161 614 000